Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1988 йил 16 февраль
СЕШАНБА
№ 39 (4.235).

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.



Жиззах районидаги Ҳамид Олимжон номли совхоз механизаторлари техника ремонтини тугалладилар. Сифат комиссияси мавжуд 26 ҳайдов трактори, 25 сеялка, 13 чизель, 355 борона ва бошқа механизмларнинг ишга шайлигини синчиклаб текшириб, яхши баҳо билан қабул қилиб олди.

СУРАТЛАРДА: 1. Сифат комиссияси аъзолари — ремонтчи-слесарь Абдуҳамид Рўзиқулов (чапдан), механизаторлар Ўрол Эсонов ва Қудрат Бекмуродов ремонт ҳолатини кўздан кечиришмоқда. 2. Моҳир техника жиловдори Ҳолмат Тошпўлатов.

Ш. ТЎРАЕВ фотолари.



АРМИЯ, АВИАЦИЯ ВА ФЛОТГА КЎМАКЛАШУВЧИ КЎНГИЛЛИ ЖАМИЯТ X БУТУНИТТИФОҚ СЪЕЗДИГА

Қадрли ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Ленин орденли, Қизил Байроқ орденли армия, авиация ва флотга кўмаклашувчи кўнгилли жамият X Бутуниттифоқ съезди делегатларини самимий табриклайди.

Партия ва халқ мудофаа жамияти ташкилотларининг совет кишиларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшларни СССР Қуролли Кучларида хизмат қилишга тайёрлаш ишига қўшаётган ҳиссасини муносиб баҳолайдилар.

ДОСААФ X съезди совет жамиятини революцион янгилаш, туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва мамлакатимиз турмушининг барча соҳаларини демократиялаш шароитида ўтмоқда.

Ленинча принципларга содиқ бўлган КПСС жаҳон сиёсатида янгича сиёсий тафаккурни изчил ҳимоя қилиб келмоқда, ўзининг тинчликсеварлик ташаббуслари билан халқаро вазиятни юмшатишга кўмаклашмоқда. Айни вақтда ҳозирги даврнинг жиддий реалликлари, халқимизнинг тинч бунёдкорлик меҳнати учун шарт-шароитларни таъминлаш зарурати Совет Иттифоқининг мудофаа қобилиятини етарли даражада сақлаб туришга зўр эътибор берилишини тақозо этади.

СССР ДОСААФ зиммасига оммавий-мудофаа ишлари соҳасида муҳим вазифалар юкланган. Ҳаёт миллионлаб совет кишиларини бирлаштирган мазкур оммавий кўнгилли жамият ўз-ўзини бошқариш асосида ўз фаолиятини тубдан қайта қуришини, ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг янги, янада самаралироқ форма ва методларини қидириб топишини, ҳарбий билимларни пропаганда қилишини, моддий-техника базасидан оқилона фойдаланишини қатъий тақозо этмоқда. Бу ишда запасдаги ҳарбийлар, замонавий армия шароитларида хизматини ўтаган кишилар фаол қатнашишлари лозим.

Жамият ташкилотлари ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор беришлари, армияга чақирилувчилар ҳарбий коллективларга сиёсий ва жисмоний жиҳатдан тайёр ҳолда қўшилишлари, фан-техника тараққиёти асрида мудлионлаб йигит ва қизлар техникавий билимларни эгаллаш, ДОСААФ тўгаракларида, секцияларида ва клубларида ўз ижодий қобилиятларини намоён этиш имконияти бўлиши учун амалий кўникмалар ҳосил қилишларига эришишлари керак.

Жамият барча ташкилотларининг активлиги ва жанговарлигини ошириш, демократик асосларни кенг жорий этиш, ошкоралиқни, танқид ва ўз-ўзини танқидни кенгайтириш, ташаббускорлик ва ҳаваскорликни ривожлантириш жамият ҳар бир аъзосининг оммавий-мудофаа ишларида қатнашишдан бевосита манфаатдорлигини таъминлаш шу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш гаровидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети армия, авиация ва флотга кўмаклашувчи кўнгилли жамият партия органлари раҳбарлигида социалистик Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ишига қўшаётган ҳиссасини янада собиқадамлик билан кўпайтириб боравериди, деб қатъий ишонч билдиради.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

АГРОСАНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ИШТИХОН

Фрунзе номли колхознинг Актам Ҳамроев бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил 150 гектарга чигит қадашни мўлжаллашаяпти. Ҳозир бутун эътибор карталарни текислашга, маҳаллий ўғит тўплашга, суғориш шохобчаларини тартибга келтиришга қаратилмоқда. Бригадада 800 тонна гўнг жамғарилиб, карта четига компост қилиб қўйилди, 750 кубометр ҳажмда тупроқ ишлари бажарилди. Фахриддин Алладинов, Қарши Баротов, Эрмамат Номозов, Муса Муродов, Сайдан Умиров кабилар дала юмушларида фаол қатнашмоқдалар.

В. МАМАДАЛИЕВ.

АМУДАРЁ

Гулмирза Давлетов бошлиқ бригада («Коммунизм» колхози) бултур планни бажаролмади. Бу йил унинг ерларини Элғаш Халилов бошлиқ коллектив қўшиб олди. Бригадада иш оила пудрати асосида ташкил этилаяпти. Шукуржон Отамуродова онласи 8 гектар, Тожихол Раҳимова, Марям Оллабергенова, 5 гектардан, Раъно Машарипова 3 гектар ерни шартнома билан олишди. Шу тариқа бригаданинг ҳамма майдони оналарга тақсимлаб берилди. Пудратчилар бўлғуси ҳосилга мустаҳкам замин яратиш, баҳорни ҳар томонлама шай ҳолда қаршилаш тадбирларини кўришаяпти.

Х. ОТАМУРОДОВ.

МЕҲНАТ АҲЛИНИНГ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Республика партия-хўжалик активларининг йиғилишидан

Республика партия-хўжалик активларининг 13 февраль куни бўлиб ўтган йиғилишида КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь Пленуми талаблари асосида республикада пулли хизматларни жадал ривожлантириш юзасидан партия ташкилотларининг, совет ва хўжалик органларининг вазифалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев доклад қилди.

Бугунги республика партия-хўжалик активлари йиғилиши куни тартибининг жуда муҳимлиги шу билан белгиланадики, қайта қуриш жамиятда амалга ошириалётган барча социал-иқтисодий ўзгартишлар марказига инсон омилини қўймоқда. Ўз талаб-эҳтиёжларига эга бўлган инсон қайта қуришнинг асосий объекти бўлиб ҳам, унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб ҳам майдонга чиқмоқда, деб таъкидлади докладчи.

Аҳолига яхши ташкил этилган хизмат, ўз вақтида ремонт қилиб берилган квартира, малакали врач маслаҳати, саломатлик группасига қатнаш имконияти, бўш вақтни мароқли ва мазмунли уюштириш меҳнат коллективларидаги маънавий-сиёсий иқлим учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини одамларнинг социал жиҳатдан ўзини қандай ҳис этишини ва маънавий кайфиятини белгилаб беради. Одамлар иш ҳақининг тез ошиб бораётганини эмас, балки шаҳар ёки қишлоқ, турмуш, ишлаб чиқариш шароитлари ўзгариб бораётганини кўпроқ қадрлашларини ҳамиша ёдда тутиш керак.

Кўпгина раҳбар ходимларимиз одамларни қандай қилиб бўлмасин, кўпинча штурмчилик, ҳайбаракаллачилик ҳисобига ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишга «сафарбар қилиш»ни ўзлари учун асосий вазифа, деб ҳисоблаб, бошқа нарсалар билан ишимиз йўқ, дейдиган пайтлар такрорланмас ўтмишда қолиб кетмоқда. Бугунги кунда хоҳ цех бошлиғи, завод директори ёки министр бўлсин — бундай калтабин ходимларга меҳнат коллективлари тоқат қилаолмайдилар, энди улар давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунга мувофиқ, раҳбарни ўзлари сайлаб оладилар. Партия, совет органлари ҳам кадрларга баҳо беришда уларнинг одамлар талаб ва эҳтиёжларини қондириш соҳасидаги фаолиятини асосий мезон қилиб олишлари керак.

Хўш, мана шу муҳим социал-сиёсий вазифани ҳал этиш учун бизнинг ҳақиқий имкониятларимиз қандай ва амалий равишда нималар қилинмоқда? Партия, совет, хўжалик органлари бу вазифанинг моҳиятини тушуниб олган, ишга новаторларча ёндашган, инсон ҳақида ғамхўрлик қилиш учун кадрларга нисбатан қатъий талаблар қўйган жойларда иш яхши фойдаланиб қолмоқдалар, «пинҳона» экономикани ривожлантиришга киришмоқдалар. Аҳолининг ярмига яқини кўпгина хизмат турлари юзасидан хусусий усталарга мурожаат қилмоқда, ремонт-қурилиш ишлари соҳасида уларнинг улуши жами хизмат ҳажмининг 75 процентини ташкил қилади. Энг оддий ҳисоб-китобларга қараганда ҳам, республика аҳолиси хусусий усталарга йилига 250 миллион сўмдан кўпроқ пул тўламоқда. Шунда ҳам кўпгина хизмат турлари қондирилмай қолмоқда.

Аҳолининг ҳар хил пулли хизмат турларига бўлган эҳтиёжларини қондиришдаги номутаносиблик бартараф этилмаган, болаларни мактабгача тарбия муассасаларида боқиш хизматлари, алоқа, маданият, санаторий-курорт ва соғломлаштириш ишлари тузукроқ ривожланмаган. Ҳуқуқий характердаги хизматлар ва омонат кассаларнинг хизмати ҳаддан ташқари кам кўрсатилмоқда.

Республика пулли хизматлар юзасидан беш йилликнинг дастлабки икки йили топшириқларини бажармади, аҳолига 300 миллион сўмликдан кўпроқ мана шундай хизматлар кам кўрсатилди, иттифоқдош республикалар орасида биз энг катта қолоқликка йўл қўйдик. Биз кўпгина кўрсаткичлар бўйича олға силжиш бир ёқда турсин, ҳатто бусиз ҳам заиф бўлган позицияларни бой бериб қўймоқдамиз. 1986 йилда белгиланган пландан орқада қолиш салкам 8 процентни ташкил этган бўлса, бултур 11 процентни ташкил қилди. Аҳолига хизмат кўрсатаётган 132 та министрлик ва идорадан 102 таси планни уддалай олмади. Ўзбекистон ССР Кинематография давлат комитети, Маориф министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг бўлинмалари, СССР Газ саноати министрлиги, СССР Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлиги ҳамда СССР Қурилиш йўл ва коммунал машинасозлиги министрлигининг корхоналари 1986 йилга нисбатан ёмонроқ ишладилар.

Ўтган йили ҳаддан ташқари паст натижаларга эришилган бўлса-да, область, шаҳар, район партия комитетлари ўз вақтида ташкилотчилик ишини ўтказа олмадилар. Пулли хизматларни ривожлантириш соҳасидаги фаолиятсизлик, баъзан эса бу ишга эътиборсизлик ачинарли фактларига ҳамма жойда ҳам муносиб принципиал партиявий баҳо берилгани йўқ. Ана шундай муносабат туфайли бу йил ҳам жуда қониқарсиз, имиллаб бошланди. Январь плани атиги 77,9 процент бажарилди, қарийб 32 миллион сўмлик хизмат кўрсатилмай қолди. Ойлик топшириқ Қашқадарё областида 49 процент, Бухоро областида 55,7 процент, Навоий областида 62,6 процент бажарилди. Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги (Т. Қ. Қурбонов), Бинокорлик материаллари саноати министрлиги (Г. Г. Исаев), Давлат агросаноат комитети (И. Ҳ. Жўрабеков), Дон маҳсулотлари министрлиги (А. Мутолов), Моддий-техника таъминоти давлат комитети (Т. Я. Шарипов), Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети (Т. Боймиров), Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги (М. Салоҳиддинов), Физкультура ва спорт ишлари давлат комитети (М. И. Иброҳимов), Қурилиш министрлиги (А. Г. Мананников), Социал таъминот министрлиги (С. А. Хўжаева), бошқа министрликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари бу ишни барбод қилдилар.

Белгиланган планлар бажарилишини таъминламаган раҳбарларга баҳо берар эканмиз, ҳозир шундай бир масала кўндаланг бўлиб турганлигини назарда тутиш зарур: агар биз касса планини бажаришда, пул муомаласида ишларнинг аҳволини ғоят қатъий равишда ўнглай олмасак, республикани ривожлантириш социал-иқтисодий программасининг асосий таркибий қисмлари хавф остида қолади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Пулли хизматларни ривожлантиришнинг баъзи энг муҳим муаммоларини таҳлил этиш ҳамда уларни ҳал қилиш конкрет йўлларини режалаштириб олиш учун белгиловчи аҳамиятга эга бўлган, хизматларнинг умумий ҳажмида айниқса салмоқли ҳисобланган хизмат турларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Гап аввало маиший хизматлар тўғрисида боради. Бундай хизматлар умумий хизмат ҳажмининг салкам 36 процентини ташкил этади. Беш йиллик бошидан буён қарийб 20 миллион сўмлик кам маиший хизмат кўрсатилди. Шу маблағнинг анчагина қисми Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги ҳиссасига тўғри келади. Маиший хизмат корхоналарининг ишида йилнинг иккинчи ярмида баъзи ижобий тенденциялар пайдо бўлганига қарамай, 1987 йилги план бажарилмади. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, унинг коллегияси халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантириш комплекс программасида белгиланган маиший хизмат кўрсатиш ҳажмларини ўстириш даражасини таъминламаяпти. Ишлаб чиқаришнинг ва маиший хизматни ташкил этишнинг даражаси пастлиги, айрим раҳбарларнинг савиясизлиги, сусткашлиги ва бўшанглиги, уларнинг маъмурий-буйруқбозлик иш услубига ёпишиб олганликлари план бажарилмаганлигининг бош сабаблари жумласидандир.

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги коллегиясининг нотўғри техникавий сиёсати, ташкилий хатоликлари сабабли тармоқ кўп йиллардан буён асосий техникавий-иқтисодий кўрсаткичларни бажаришни уддалай олмаяпти. Маиший хизмат кўрсатаётган корхоналарда иш сменаси биттадан оранг ошади, трикотаж буюмлар ремонт қилувчи ва тайёрловчи қувватларнинг 30 процентига ундан ҳам кўпроғи ишлатилмаяпти. Ательелар, химчистка-лар ва кирхоналар, буюмларни ижарага бериш пунктлари ёмон ишлаяпти.

Кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва хизмат маданиятига оид масала ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Хизматларнинг сифатини ошириш учун республика халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан етказиб берилаётган хом ашё ва материалларнинг сифати тўғрисида ҳам жон куйдириш зарур. Бироқ амалда кўпинча аҳвол ўзгача бўлмоқда. Масалан, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Самарқанддаги кўнчилик заводи Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг корхоналарига одатда майда кўн товарларининг энг паст навларини етказиб бермоқда.

Маиший хизмат тармоғи энг яхши хом ашё билан таъминланиши лозим, ўшанда аҳоли буюртма билан унинг корхонасига келади. Акс ҳолда биз ғайрирасмий «хусусий сектор»ни рағбатлантирган бўламиз, кўпинча шубҳали йўллар билан, шу жумладан савдо орқали қўлга киритган зарур материалларга эга бўлган бу сектор буюртмалар билан барқарор таъминланган бўлади. Маиший хизмат корхоналарини қурилиш материаллари билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш учун бунда республика Госснаби, Савдо министрлиги ва маҳаллий Советлари бош қотирадиган ишлар кўп. Шу мақсадда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область ижроия комитетларига қурилиш материаллари фондларини савдо системасидан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги корхоналарига топшириш ҳуқуқини берди. Аммо бу ҳуқуқдан деярли ҳеч ким фойдаланмаяпти.

Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш, бугунги кун талабларига мос бўлиб тушадиган янги иш формалари ва методларини ўзлаштириш масалалари кўпинча турли тармоқларнинг, идораларнинг манфаатларига тўқнаш келмоқда. Бунда афзалликларни, бирон бир қарорнинг мақсадга мувофиқлигини белгилаш учун мезон ҳамиша битта — у ҳам бўлса жамият манфаатлари, халқ манфаатлари бўлиши керак.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг фаолиятидаги камчиликларни таъкидлаб туриб, унинг куч-ғайратлари билангина хизмат соҳасидаги аҳволни ўнглаб бўлмаслигини айтиб ўтиш зарур. Партия, совет, хўжалик органларининг, халқ хўжалиги барча тармоқларидаги корхоналар раҳбарларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш керак. Ҳозирча эса бу нарса анчалаб етилган эмас. Корхоналар ва ташкилотлар одатда маиший хизмат ходимларига жуда эски биноларни ажратиб бермоқдалар, қурилиш чоғида кўпинча маиший хизмат объектларининг ихтисослашуви эътиборга олинмайди. Республика ҳукуматининг шу хусусидаги қарорини бажарилаётгандек кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон металлургия заводининг, Урганч пахта заводининг, Олмалиқ рўзғор химияси заводининг, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикасининг, Қўқон электр машинасозлик заводининг маъмурияти маиший хизмат уйлари ва комплекс қабул пунктларини барпо этиш ўрнига ҳисоботга киритиш учунгина кичик-кичик мослаштирилган биноларни ажратиб берди.

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги моддий-техника базасини ривожлантиришда жуда орқада қолгани ҳолда ажратилаётган капитал маблағлар тўла-тўкис ўзлаштирилишини муттасил таъминламай келмоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг ўзидагина тармоқда 20 миллион сўмдан кўпроқ капитал маблағ ўзлаштирилмай қолди, 19,2 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилмади, бу эса амалда йиллик ҳажмга тенгдир. Шу беш йилликда ҳам яхшилик сари ўзгаришлар рўй бермади. Икки йил мобайнида капитал маблағлар белгиланганига қараганда 14 миллион сўм кам ўзлаштирилди. Қурилиш министрлиги (А. Г. Мананников), «Главташкентстрой» (К. П. Дудин), Агропромстрой (Б. Х. Ҳамидов) маиший хизмат объектлари қониқарсиз қурилаётгани учун баб-баравар даражада айбдордирлар.

Ўтган йили республика Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги ўн битта маиший хизмат объектини фойдаланишга топширмади, бу объектларнинг қурилиши катта капитал маблағлар сарфлаш, мураккаб технология машина-ускуналарини ўрнатиш билан боғлиқ эмас эди. Олтита энг оддий комплекс қабул пунктини ишга тушириш муддатлари барбод этилди. Ваҳолонки, ана шу пунктларнинг ҳар бири аҳолига каттагина қулайликлар келтириб, кўпгина уй бекаларининг меҳнатини енгиллаштиради, қолаверса хизмат кўрсатиш планига ҳам йилига салкам 45 минг сўм маблағ қўшилади.

Комплекс қабул пунктларини, сартарошхоналарни, буюмларни ижарага берувчи пунктларни барпо этиш учун энг оддий иншоотлардан, масалан чорбоғлар учун мўлжалланган уйлардан, йиғма қурилиш иншоотларидан дадилроқ фойдаланиш зарур. Мақсад битта бўлиши — истиқболдаги вазифаларни назардан қочирмай одамларнинг улар тўғрисида ғамхўрлик кўчайиб бораётганлигини, уларнинг турмушини яхшилаш учун ҳозирдаёқ имконни бўлган ҳамма ишни қилишга интилинаётганини ҳис этишларига имконият яратиш керак.

Транспорт хизматини ривожлантиришда ҳозирча сезиларли натижаларга эришилгани йўқ. Транспорт хизмати республикада кўрсатилаётган пулли хизматнинг учдан бир қисмини ташкил этади. Ўзбекистон ССРнинг ҳар бир аҳолиси транспортга бир йилда атиги 24 сўм сарфлайди, бу эса иттифоқдаги ўртача кўрсаткичдан 8 сўм кам, Грузия ССРдагига қараганда 19 сўм ва Эстониядагига қараганда қарийб 30 сўм камроқдир.

Хизматнинг бу турида Автомобиль транспорти министрлиги бош министрлик ҳисобланади. Бу министрлик ўтган йили планга нисбатан салкам 14 миллион сўмлик кам пулли хизмат кўрсатди. Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг бўлинмаларида хизматларни янада ривожлантиришга ва планнинг бажарилишига тўсқинлик қилаётган ҳисоботлар орасида аввало линиялардаги транспорт етарлича таъсирчан назорат қилинмаётгани, тушган пул кўпинча ўзгаларнинг қўлига ўтиб кетаётгани, пассажирлар билетсиз ташилаётганини, аҳолига хизмат кўрсатиш ва ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги, анча илғор формалари секинлик билан жорий этилаётганини айтиб ўтиш керак.

Йўловчилар энг кўп бўлган пайтда уларни ташиш учун идораларга қарашли транспортни жалб қилиш проблемаси республикада ҳал этилмай қолмоқда. Масалан, Тошкент шаҳрининг меҳнаткашлари кўпинча иш жойларига ўз вақтида етиб бора олмаяптилар, Тошкент трактор заводи, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзстальконструкция» трести каби энг катта саноат корхоналарининг автобус парклари эса фақат ўз ходимларини ташиб, деярли бўш қатнайди. Самарқандда идораларга қарашли 377 та автобуснинг биронтаси ҳам йўловчилар энг кўп қатнайдиган соатларда шаҳар аҳолисини ташишда қатнашмайди.

Министрлик раҳбарияти ишларнинг аҳволини зудлик билан ўнглаб олиши, пулли хизматлар ҳажмини ҳар йили 36 миллион сўмлик кўпайтириб, 1990 йилгача шундай хизматлар ҳажмини 560 миллион сўмликка етказиш вазифалари бажарилишини таъминлайдиган чоратадбирлар комплексини ишлаб чиқиб, амалга ошириши керак. Машиналар паркидан фойдаланиш коэффициентини ошириш, маршрутларни завод ва фабрикаларнинг дарвозаларигача узайтириш, аҳолига хизмат кўрсатиш учун идораларнинг транспортини иложи борича кўпроқ жалб этиш йўли билан шунга эришиш мумкин. Ишни шундай ташкил қилиш керакки, ҳар бир автомобиль хўжалиги камераларни ямаш, аккумуляторларни зарядкалаш ва янгилаш, шахсий автомобилларнинг бошқа майда-чуйда ремонтлари юзасидан хизмат кўрсатадиган бўлсин. Меҳнат коллективининг, аҳолининг шаҳардан ташқарига, дам олиш зонасига бориб келиш учун автобус, юк автомашинаси ажратиб бериш тўғрисидаги биронта ҳам буюртмаси эътиборсиз қолмаслиги лозим. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини шаҳар бозорларига ташиб келтириш, ҳар хил юкларни истиқомат жойларга элтиб бериш соҳасида қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатишни ташкил этиш алоҳида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, бундай хизматларни кўрсатиш имкониятлари ҳам, истовчилар ҳам бор. Аммо ҳозирча фақат бу ишни тўғри ташкил этиш истаги йўқ.

(Давоми иккинчи бетда).

МЕҲНАТ АҲЛИНИНГ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда.)

Республика Алоқа министрлиги пулли хизматлар топширигини уддалаган баъзи министрликларнинг биридир. Аммо алоқа корхоналари ишини танқидий таҳлил қилиш министрликда пулли хизматлар ҳажмини кўпайтириш, уларнинг турларини ёйиш учун катта имкониятлар мавжуд, деб айтишимизга асос беради, исталган шаҳарлараро телефон сўзлашув пунктида таксофонларнинг камида ярми ишламайди, тангани майдалайдиган жой йўқ. Республикадаги телефон автоматларнинг амалда ҳар олтитадан бири у ёки бу сабабга кўра ишламайди. Квартирага телефон ўрнатиш учун ўн йиллаб навбат кутилаётган бир пайтда хизмат телефонлари амалий равишда инвентаризация қилинмаяпти, турли ташкилотларнинг бундай телефонларга эҳтиёжлари ўрганилмаяпти. Блокираторларни кенгроқ жорий этиш, шошилинч буюртмалар бўйича телефон аппаратлари ремонтини ташкил қилиш ва ҳоказолар бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар етарли эмас. Ҳозир республикада квартирага телефон ўрнатиш учун 300 мингга яқин оила навбатда турган бўлишига қарамай, Хоразм областида маҳаллий АТСларнинг қувватидан 83 процент, Бухоро областида 79 процент, Жиззах областида 66 процент фойдаланилмоқда. Тошкент шаҳрининг ўзидагина ўтган йили автомат телефон станцияларининг мавжуд қувватлари билан шаҳар тармоғини ривожлантириш топшириқлари 40 минг номер кам бажарилди, умуман Ўзбекистон ССРда эса телефон станциялари мавжуд қувватларининг резервини ишга тушириш зарур, бу резерв салкам 150 минг номерни ташкил этади.

Ҳозир республикада бошқарув аппаратини қисқартиришга доир катта иш олиб борилмоқда. Телефонлар ҳам ҳоли қилинади, уларни биринчи навбатда меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратиш керак.

Почта алоқасининг янги илғор турлари, биринчи навбатда абонентларга истиқомат жойларда хизмат кўрсатиш билан боғлиқ турлари суст жорий этилмоқда. Посилкаларни, бандеролларни, табрикномалар ёзилган совғаларни, обуна нашрларини уйига элтиб бериш, телефон орқали телеграммалар қабул қилиш назарда тутилмоқда. Тошкент телефон справочниги қайта нашр этилмаганига салкам 20 йил бўлди. Республикамиз аҳоли жон бошига алоқа хизматлари бўйича мамлакатда охирги ўринда турганлигига ажабланмаса ҳам бўлади.

Министрликнинг раҳбарлари шундай аҳволга қарамай, барча резерв ва имкониятларни жалб этиш юзасидан жиддий ташкилотчилик иши билан шуғулланиш ўрнига планлар ниҳоятда тиғиз, деб гап юритишни афзал билмоқдалар. Республика алоқа министри К. Раҳимов жиддий хулосалар чиқариб олиши керак.

Инсоннинг бўш вақтини, дам олишини, турли қизиқишларини ташкил этиш соҳасида унинг маданий қиёфаси шаклланади.

Айни вақтда айрим театрлар, клублар ва маданият саройларининг чамаси 15 проценти, кинотеатрларнинг нари борса учдан бир қисми одамлар билан тўлмоқда, клублардаги тўгарак ва курс ишларига баъзан ҳеч ким қатнамайди, маданият ва истироҳат боғлари, стадионлар бўм-бўш турибди, концерт залларидан дуруст самара билан фойдаланилмаяпти. Ўтган йили Андижон ва Наманган областларининг кинотеатрларида ҳар бир сеансда тўртта ўриннинг учтаси бўш қолди.

Ишларнинг аҳволи бундайлигига сабаблар оз эмас, уларнинг бири шундаки, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги бошқа министрликлар ва идоралар маданият муассасаларининг ишини мувофиқлаштириш бир ёқда турсин, ўз системасидаги хизматларни кенгайтириш программасига ҳам эга эмас. Ҳозирча эса театрда томошага труппадаги артистлардан камроқ томошабин йиғилмоқда, аҳоли репертуар тўғрисида, билетлар қаерда ва қачон сотилиши ҳақида хабардор қилинмайди. Иш шундай «ташкил этилиши» натижасида заллардаги ўринлар бўш қолмоқда ва улардан фойдаланиш самарадорлиги пасайиб кетмоқда. Билетларни корхоналарда, меҳмонхоналарда, ўқув юртларида, метрода, жамоат транспортининг катта-катта бекатларида тарқатса бўлмайдими? Ёки Москвадан ўрнак олиб, кассалар хизматини ташкил этиш керакдир.

Аҳолининг оилавий тантаналарида хизмат кўрсатишга, айниқса қишлоқ жойларда ғоят катта талаб-эҳтиёжи амалда батамом «хусусий» шахслар ихтиёрига топшириб қўйилганига қандай тоқат қилиш мумкин? Ана шу «хусусий» шахслар ушбу манбадан меҳнатсиз даромадлар олишни давом эттираётган маданият ходимларининг айни ўзларидир. Шу билан бирга давлат планини бажариш мунтазам суратда барбод этилмоқда, барча босқичлардаги идораларга эса белгиланган топшириқлар нореал, деган хатлар юборилмоқда.

Маданият министри Ў. Р. Умарбеков Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленумида сўзга чиқиб, шу масалани ўртага қўйди. Лекин масалани ўртага қўйишнинг ўзи камлик қилади. Шу йилнинг ўзидаёқ маданият саройлари ва уйлари ишини кучайтириш юзасидан қатъий чоралар кўриш, улар чинакам халқ ижодиёти маскани бўлиб қолишига эришиш лозим. Онлавий тантаналарга хусусий йўл билан хизмат кўрсатиш практикасига тегишли органлар ёрдамида барҳам берилсин. Шу тадбирларнинг ўзигина кўрсатиладиган хизмат ҳажмига камида ўн миллион сўм маблағ қўшилишини таъминлай олади.

Айтилган гаплар Ўзбекистон ССР Кинематография Давлат комитетининг бўлинмаларида ишларнинг ташкил этилишига ҳам тўла-тўкис таалуқли дейиш мумкин. Ҳатто область марказларидаги кўпгина кинотеатрлар ачинарли аҳволда бўлиб, реклама ва фильмларни намойиш қилишни ташкил этиш ҳар қандай танқиддан тубандир. Кинопрокат ходимлари аҳолининг маданий талаб-эҳтиёжларини пландли равишда шакллантириш ўрнига дарҳол муваффақиятга эришиш кетидан қувиб, одатда чет эллардан олиб чиқарилган бемаза, туруқсиз фильмларни намойиш қилишни афзал кўрмоқдалар.

Халқ истеъмоли моллари ва хизматларга доир комплекс программада маданият хизмати ҳажмини кишi бошига 5,7 сўмгача етказиш кўзда тутилган. Буни энг кам даражадаги вазифа, деб билиш керак.

Одамларимизнинг сиҳат-саломатлиги, меҳнат қобилияти талаб даражада соғлиқни сақлаш, физкультура ва спорт, туризм муассасалари ишини ва барча дам олиш турларини ташкил этиш билан белгиланади. Аҳоли барча ёшдаги группаларининг ҳақ тўлаш асосидаги турли соғломлаштириш тадбирларига бўлган ғоят катта талаб-эҳтиёжи, уларнинг ниҳоятда зўр социал аҳамияти тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Республика ноанъанавий хизмат турларини ривожлантиришнинг кенг истиқболлари мавжуд аммо бундай хизмат турлари жуда суст жорий этилмоқда. Афтидан, тармоқда бирон бир янгилик амалда жорий этилмаганлиги, 1987 йилда 2,2 миллион сўмлик кам хизмат кўрсатилганлиги тасодифий бўлмаса керак.

Аҳолининг пулли поликлиникаларга, тиш қўйдиришга, айниқса титан оксидини пуркаш усулига, даволаш ва профилактика массажига, косметологияга, патронаж хизматларига, юқори малакали мутахассисларнинг маслаҳатларига, истиқомат жойлардаги хизматларга бўлган талаб-эҳтиёжи дуруст қондирилмаяпти. Соғлиқни сақлаш министрлиги эса эндигина ишга киришай, деб турибди.

Саломатлик ва физкультура, спорт ва оммавийлик ҳамиша бир-биридан ажралмас бўлиб келган. Аммо Ўзбекистон ССР Давлат физкультура ва спорт комитетининг ташкилотлари пулли хизматлар планини атиги 70 процент бажарди, республикада жисмоний тарбия кооперативи йўқ, деса бўлади, пенсияга чиққан мутахассислардан яхши фойдаланилмаяпти.

Республикада пулли туристик-экскурсия хизматлари ҳажмини кескин ошириш учун катта резервлар мавжуд. Бундай хизматлар республиканинг ҳар бир аҳолиси ҳисобига бир йилда атиги 3,8 сўмлик бўлмоқда. Грузия ССРда худди шу кўрсатгич салкам беш баравар, Арманистон ССРда уч баравар, умуман мамлакатда эса деярли икки баравар кўпдир. Бироқ республика туризм ва экскурсиялар кенгашининг область бўлинмалари шу пайтгача ҳам сусткашлик қилиб ўз территорияларида туризмни оммавий равишда ривожлантириш, мазкур хизмат турига ҳар хил ёшдаги аҳоли группаларини жалб этиш имкониятларининг камида ярмидан фойдаланмаяптилар.

Кейинги йилларда санаторий-курорт ва соғломлаштириш хизматлари ривожлантирилмаяпти, пулли хизматларнинг умумий ҳажмида уларнинг улуши ҳатто 1985 йилдаги 4,6 процент ўрнига ўтган йил 2,5 процентгача камайди.

Узкурортсовет, унинг раиси А. Р. Саидов бундай яроқсиз тенденцияга барҳам берадиган, санаторий-курорт муассасалари ишининг кескин мавсумийлигини тугатадиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши керак.

Шу мақсадда Давлат нархлар комитети билан биргаликда дам олиш муассасалари йил мобайнида бир маромда ишлайдиган бўлиши учун мавсумга қараб путевкаларнинг қиймати системаси ишлаб чиқилсин.

Шундай қилиб, аҳолига хизмат қилишга ихтисослашаётган министрликлар ва идораларга хизматни ташкил этишга нисбатан тармоқни анча олға силжитиш имконини берадиган янги ёндашувларни топишлари керак. Аммо биринчи навбатда ниҳоят ҳисоботдаги чиройли рақамни эмас, балки конкрет инсоннинг, оиланинг, меҳнат коллективининг муаммоларини ва юмушларини кўра билишга ўрганиш зарур. Пировард натижада одамларимизнинг фаровонлигини ошириш — бош вазифадир, хизмат соҳаси ишини яхшилашдаги сезиларли ўзгаришлар эса иқтисодий кўрсаткичларни оширишга сўзсиз таъсир қилади.

Кўркамлик, қулайлик, яхши хизмат инсонга дам олиш вақтидагина керак бўлиб қолмай, балки ишда, унинг меҳнат фаолияти жараёнида ҳам жуда зарурдир. Масалан, «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида шу ернинг ўзидаги магазинда керакли нарсаларни харид қилиш, самолётга билет сотиб олиш, дорихона хизматидан фойдаланиш мумкин. Ходимларга қулай бўлиши учун сартарошхона бор, ямоқчи-этикдўз, тикувчи ходимлар штатга қабул қилинган. Руҳий бардамликни тиклаш, санитария-гигиена хоналари мавжуд. Майший бинода сауна-ҳаммом, майший хизматнинг қабул пункти ишлаб турибди, бу ерда кирларни ювиш учун топшириш, кийим-кечакни химчисткага бериш мумкин. Бундай иш бир неча йил ичида кадрлар қўнимсизлигини 17 процентдан 2 процентгача камайтириш имконини берди.

Афсуски, ҳамма жойда ҳам ишларнинг аҳволи шундай, деб бўлмайди, республика саноат комплексида пулли хизматларни ривожлантириш натижаларининг пастлиги кўп жиҳатдан бу ишнинг социал-иқтисодий самарадорлигига етарли баҳо берилмаганлиги, саноат, қурилиш, транспорт, савдо алоқа корхоналари ҳамда бошқа корхоналардаги кўпгина раҳбарларимиз план учун курашни меҳнаткашлар тўғрисидаги ғамхўрлик билан уйғунлаштира билмаслиги билан изоҳланади. Бизнингча, лак-бўёқ заводида (Ф. Г. Мирзаев), асбоб-созлик заводида (М. Н. Галаутдинов) ва агрегат заводида (Р. М. Алимов), «Средазуголь» бирлашмаси (А. И. Лелеко) бўлинмаларида ва бошқа кўпгина корхоналарда ишчиларнинг эҳтиёжларига лоқайдлик қилинаётганлиги, хизмат соҳасини ривожлантиришга сиёсий жиҳатдан ёндашилмаётганлиги сабаблигина белгиланган планлар барбод бўлмоқда. Ҳатто шу масалалар учун масъулиятли бўлган «Узбекгидроэнергострой» тресги бошқарувчисининг ўринбосари А. Е. Неустроев 1987 йилги пулли хизматлар юзасидан топшириқларни асосда билмагандан кейин қандай қилиб ижобий натижаларга эришиш мумкин, ваҳолонки, трест бўлинмаларида 10 мингга яқин киши ишлайди, салмоқли моддий-техника базаси вужудга келтирилган.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси (В. Н. Журавлев) уй-жойларни ремонт қилиш ва уни сақлашда аҳолига хизмат кўрсатишни ташкил этиш борасида ўз министрлигидаги базавий корхона, деб белгилаб қўйилган эди. Бироқ белгиланган режаларни амалга ошириш юзасидан дуруст ташкилотчилик тадбирлари кўрилмади, жумладан, министрлик ихтисослаштирилган ремонт-қурилиш участкасини тузиш ҳақидаги буйруғи бажарилмади. Натижада хизматнинг шу тури юзасидан 1986 йилги план 37 процент, 1987 йилги план 45 процент бажарилди. Бирлашма раҳбарияти мана шундай «тажриба» оттиргач, министрликка мурожаат этиб, ўз ихтисосини ўзгартиришни илтимос қилди.

Корхона пулли хизматлар кўрсатиш юзасидан белгиланган планни 80 процент бажарди, уй-жойларни ремонт қилиш хизмати соҳасидагина 220 мижоздан барум бўлинди, буюртмани бажариш муддатлари ва ишларнинг қимматлиги мижозларга ёқмади. «Компрессор» заводида (В. В. Фрошгейзер) иш сўнгги вақтларгача шу тарзда ташкил қилинган эдики, буюртмачи транспорт хизматидан баҳраманд бўлиши учун илтимоснома саккиз хонага кириб имзо қўйдириб чиқиши керак эди.

Жиззах пластмасса заводида маиший хизматни ҳаддан ташқари бюрократлаштириб юборишди. Бирон-бир маҳсулотни тайёрлатишга буюртмани расмийлаштириш ва тайёр маҳсулотни олиш учун ариза билан директор ҳузурига кириш (уни топиш осон эмаслиги маълум) сўнгра касаба союз комитетига, план бўлимига учраш, таъминот бўлимини четлаб ўтмаслик, шу қадар муҳим ишда меҳнат ва иш ҳақи бўлимини эсдан чиқармаслик керак — ҳамма ҳужжатлар қўлга текканидан кейин тайёрловчи-цехга кириш, сўнгра кассага бориб пул тўлаш, охирида корхонадан чиқиб кетиш учун пропуск ёздириб олиш лозим. Мана шундай бир ҳолатда корхона раҳбарлари нега бизга буюртма кам тушяпти, деб ажабланишади.

Баъзан ғалати бир ҳаддан ошишга ҳам дуч келинади: баъзи корхона, ташкилот раҳбари ўзини меҳнаткашлар ҳуқуқларининг ҳимоячиси деб дабдабали равишда эълон қилиб, хизмат учун ҳақ олишдан қатъиян бош тортади. Модомики, буларнинг ҳаммаси «ўзимизники» бўлгани учун бепул бўлаверсин, дейди. Сирасини айтганда, жамиятда ҳеч нарса бепул бўлиши мумкин эмаслигини унутиб қўяди. Ҳатто ҳашар усулида қурилган спорт зали, саунани сақлаш ва ремонт қилиш учун фойдадан, яъни завод ҳамёнидан ҳақ тўлашга тўғри келади, шу тариқа бу муассасаларнинг хизматидан фойдаланганлардан ҳам, фойдаланмаганлардан ҳам ҳақ ундириб олинади. Хўш, социал адолат қани? Бу ишнинг бир томони, ишнинг иккинчи томони эса шундан иборатки, пулли хизмат кўрсатишдан олинган жами фойда корхона, ташкилот ихтиёрида қолади, шу тариқа у социал-маданий базани янада ривожлантириш омилига айланади.

Баъзи хўжалик ходимларининг корхона ходимлари асосий фаолиятга зарар етказмай хизмат кўрсатиш билан шуғулланишни хоҳламайдилар, деган важлари асоссиздир. Ўзбекистон ССР Госплани институти Тошкент трактор заводида, «Ўртоқ» кондитер фабрикасида, «Главташкентстрой» қурилиш-монтаж бошқармасида ўтказган социологик тадқиқотнинг кўрсатишича, шу корхоналарнинг савол берилган ходимлардан 27 проценти ишдан бўш вақтларда турли хизматларни кўрсатиш билан шуғулланишни хоҳлайди. Уларнинг ярмиси ҳафтасига тўрт соатдан 12 соатгача вақтини шу ишга бағишлай олади. Савол берилганларнинг 12 проценти иш жойида асосий ишни хизмат кўрсатиш билан қўшиб олиб бориш учун шароитга эга.

Пулли хизматлар — асосан янги иш бўлганлиги учун уни ривожлантиришнинг кўпгина резервлари ҳали кўринмай турганлигини таъкидламоқ керак. Юқори даражада ҳақ оладиган категориядаги ходимлар деб аталган кишиларнинг талаб-эҳтиёжларини қандай қондириш кераклигини биз шу вақтгача ҳам билмаётганлигимизсир эмас-ку, ахир. Бир мисолни айтиб бермоқчиман. Қашқадарё областида Л. Н. Ким раҳбарлигидаги пахтакорлар коллективида кўп кишилар ойига минг сўм ва ундан ҳам кўпроқ ҳақ оладилар, олганда ҳам ,ҳалол меҳнати учун олади — бу ердаги ҳар бир киши қўшни хўжаликлардаги ходимларга нисбатан беш ҳисса кўп иш бажаради. Аммо улар шу пулни ўзлари учун фойдали тарзда сарфлай олмайдилар, улар пулни ё «хумга» жойлашлари ёки шаҳарнинг бирон-бир жойида уй-жой кишиларини керак, бригаданинг ўзи, бригаданинг кўпгина аъзолари ҳам шу ернинг ўзида якка лойиҳаларга мувофиқ ажойиб уй қуриб олган, қўрғонларини обод қилган бўлур эдилар — бунинг учун уларнинг пули бор, фақат таклиф йўқ.

Модомики, биз уй-жой қуриш, квартираларни шинамлаштириш масалаларини тилга олган эканмиз, яна қуйидагиларни таъкидлаб ўтмоқчиман. Кўпгина корхона, ташкилотларнинг турли ремонт-қурилиш участкалари, бригадалари ва ҳоказолари бор. Мана шундай участка ва бригадалардан биронтаси умумхалқ вазифасидан — уй-жой программасини бажариш вазифасидан четда турмаслигига эришиш керак.

Профилсиз ташкилотлар учун уй-жой ва мактабгача тарбия муассасалари хизматларидан ташқари, пулли хизматлар юзасидан белгиланадиган топшириқ йиллик иш ҳақи фондининг 5—7 процентидан кам бўлмаслиги керак. Пулли хизматларни ташкил этишнинг айни шу даражаси иқтисодий жиҳатдан жуда асосли эканини, корхоналарнинг маиший хизмати мана шунда меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишда сезиларли роль ўйнай бошлашини тажриба кўрсатиб турибди.

Бу ишга оригинал тарзда, таъбир жоиз бўлса, ижодий ёндашиш энг салмоқли натижаларни беради. Мисол учун, республика Маориф министрлигини олайлик. Бу министрлик ўтган йилги планга нисбатан 3,6 миллион сўмлик кам хизмат кўрсатди. Чамаси министрлик раҳбарлари ҳамма резервлардан фойдаланиб бўлдик, деб ўйлашаётгандирлар. Аммо бундай эмас.

Ўзбекистон ССР Юстиция министрлиги ташкилотлари, ҳуқуқ муассасалари, давлат меҳнат омонат кассаларининг органлари аҳолига хизмат қилишнинг янги усуллари ва йўлларини излаб топишлари керак. 1990 йилга бориб ҳуқуқ характеридаги ва омонат кассаларнинг хизматлари 1985 йилга нисбатан камида 3 баравар кўпайишига эришмоғимиз керак.

Пулли хизмат соҳасининг моддий-техникавий базасини ривожлантириш бу соҳани қайта қуришдаги жуда муҳим муаммодир. Ўтказилган таҳлил шундан далолат беради, республикадаги бу соҳа қолдиқ принципи асосида шаклантирилган. 470та колхоз ва совхозда маиший хизмат уйи ёки комплекс қабул пункти шу пайтгача ҳам йўқ, бешта хўжаликда умуман маиший хизматнинг ҳеч қандай тури кўрсатилмайди, қишлоқ жойларда кинотеатрлар, кўчма киноустановкалар йўқ, бизнинг серқуёш республикамизда бассейнлар билан таъминланиш нормага нисбатан ўн баравар кам.

Биз хизмат соҳасининг моддий-техникавий базасини ривожлантириш билан жиддий равишда шуғулланишимиз, бу муҳим ишга саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари имкониятларини кооперация асосида жалб этишимиз керак. Улар турли-туман асбоб-ускуналарни тайёрлаш, шу жумладан гимнастика заллари учун спорт ускуналари ясаб бериш, видеосалонлар, сауналар ва шу кабиларни қуриш ҳамда жиҳозлаш учун етарли имкониятга эгадирлар.

Пировард натижада биз ҳар бир районда аҳоли хизматларнинг бутун комплексидан баҳраманд бўла олиши учун хилма-хил хизматлар кўрсатувчи корхоналар барпо этишимиз лозим.

Тегишли территорияда аҳолига турли-туман хизмат кўрсатиш ташкилотлари — Советлар бу вазифаларни ҳал этишда ғоят муҳим роль ўйнайдилар, аҳолининг молларга ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун бутун масъулият уларнинг зиммасига юклатилган. Бироқ афсуски, уларнинг кўплари эски одатларни тарк эта олмаяптилар. Қорақалпоғистон АССР ва Сирдарё областидаги маҳаллий Советларнинг бир қанча ижроия комитетлари меҳнат коллективларидаги ташкилотчилик иши ўрнига шунчаки мажлисбозлик билан, кўпинча ҳеч ким назорат қилмайдиган кўпдан-кўп қарорлар чиқариш билан шуғулланмоқдалар.

Аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш соҳасида республика областлари ўртасида ҳали ҳам катта фарқ бор. Агар Ўзбекистон ССРда ҳар киши ҳисобига ўрта ҳисобда йилига 78 сўмлик хизмат кўрсатилса, Сурхондарё областида бундан 26 сўмлик, Қорақалпоғистон АССРда 30 сўмлик кам хизмат кўрсатилмоқда.

Маҳаллий ҳокимият органлари ҳали ўзларига бериб қўйилган кенг ҳуқуқ ва ваколатлардан иш учун манфаатли тарзда фойдаланишни ўрганиб олганлари йўқ. Юқоридан берилган кўрсатмага мувофиқ иш тутишни афзал кўрадилар, тузукроқ ташаббускорлик ва омилкорлик кўрсатмаяптилар. Республика Қурилиш министрлигининг Фарғонадаги 11—қурилиш трести ва «Искож» заводи бир-бирига яқин жойлашган. Иккала корхона ҳам хизмат кўрсатиш юзасидан белгиланган планларни бажармаяпти. Ҳолбуки, заводда уй-жойларни ремонт қилиш ва қуриш юзасидан кўпгина буюртма тўпланиб қолган, бироқ қувватлар йўқлиги сабабли бу буюртмалар қондирилмаяпти. Трестда эса ремонт қилиш қувватлари бору, аммо буюртмалар етишмаяпти. Маҳаллий Совет, хўжалик органларининг вакиллари эса меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш ва планни бажариш мақсадида буюртмаларни қайта тақсимлай олмадилар.

Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро ва бошқа баъзи областлар маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ишларни мунособ равишда ташкил этишни уддалай олмасалар ҳам, молиявий маблағларни қўшимча равишда ажратиб олиш ва план кўрсаткичларини камайтириш учун куршда зўр қатъият кўрсатмоқдалар.

Пулли хизматларни ривожлантиришда кооперативларнинг имкониятлари катта. Ҳозир республикада 550 та кооператив бор, уларда 10 мингга яқин киши ишламоқда. Булар 20 миллион сўмликдан кўпроқ хизмат кўрсатдилар ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқардилар. Аммо бу ишда биз, афсуски ангалашилмовчиликлар ва номаъбул ҳодисалардан холос бўла олдик, деб айта олмаймиз. Аввало шуни таъкидлаш кераки, бир қанча областлардаги маҳаллий Советлар ишнинг соф миқдор жиҳатига берилиб кетиб, асл ишда асосий ишни — кооператив ҳаракатини вужудга келтириш ва ривожлантириш аввало аҳолининг зарур моллар ва хизматларга бўлган талаб-эҳтиёжларини таъминлашдаги кескин муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилиши кераклигини эътибордан четда қолдирдилар, ҳозир ёш қоромолни боқиб семиртираётган, қуёнчилик билан шуғулланаётган, ўз хом ашёсидан халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқараётган, спорт-соғломлаштириш характеридаги ва ноанъанавий турдаги хизматларни кўрсатаётган кооперативлар эса бармоқ билан санарли даражада оз. Жиззах, Бухоро ва Сурхондарё областларидаги халқ депутатлари Советлари кооператив ҳаракатини ривожлантириш масалаларига ташаббус кўрсатмаяптилар, бу жойларда хизмат кўрсатиш соҳасида атиги учтадан кооператив тузилган. Халқ депутатлари область Советларининг ижроия комитетлари у ёки бу ихтисосдаги кооперативларга солиқ солиш масаласини табақалаштирилган тарзда ҳал этишлари зарур. Бундай қилиш бўғин бошқарувнинг территориал бўғинини кучайтириш соҳасида замон руҳига тўла тўғри мос келган бўлур эди ва хизмат соҳасининг «танг жойларини» тезроқ ва самаралироқ бартараф этишга кўмаклашган бўлур эди.

Моллар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда кооперативларнинг улуши 1990 йилга борганда камида 3-5 процентни ташкил этишига эришиш зарур.

Республика халқ хўжалигининг кўпгина корхоналарида, ташкилотларида пулли хизмат кўрсатиш соҳаси эндигина дастлабки қадамларини қўймоқда, шунга қарамай, ҳеч нарса қилмай туриб, яхши кўриниш, ўз фаолиятсизлигини, ташкилотчилик соҳасидаги нуқсонларини яширин рақам билан ниқоблаш ҳавасқорлари пайдо бўлиб қолди. Чунончи, Қорақалпоғистон шаҳар озиқ-овқат савдоси идорасида, «Хизмат-беминнат» фирмасида, Самарқанд колхоз бозорлари бошқармасида пулли хизмат соҳасида йўл қўйилган қўшиб ёзишлар аниқланди. Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг 12 та корхонаси текшириб кўрилганида, улардан 10 тасида, республика Соғлиқни сақлаш министрлиги ташкилотларининг 17 тасидан 10 тасида қўшиб ёзишлар содир бўлганлиги аниқланди, Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигида ўтган йили хизмат кўрсатиш ҳажмлари қарийб 2,3 миллион сўмлик миқдорда ошириб кўрсатилганлиги ошкор бўлди.

Қашқадарё область агросаноат комитетининг хўжаликларида ҳам шундай фактлар очиб ташланди. 1987 йилнинг январь-сентябрь ойларида Шаҳрисабз район агросаноат бирлашмасида (директори Ш. Ражабов) пулли хизматлар кўрсатиш ҳажми 421,1 минг сўмлик миқдорда ошириб кўрсатилган, Яккабоғ районидаги Буденний номли совхозда (директори У. Норқобилов) бошқа ташкилотларга сотилган поход қийматига ва совхоз ошхонаси қилган савдо — 46,7 минг сўм миқдорида пулли хизматлар ҳажмига қўшиб қўйилган.

Бундай шармандали аҳволга ниҳоят чек қўйиш керак.

Пулли хизматларни планлаштиришда очиқдан-очиқ бемазаликлар давом этмоқда. Бу йил учун коммунал тўловлар, жумладан электр энергия ҳақи беш йиллик топшириқлардан камроқ қилиб белгиланган. Аҳолининг темирйўл ва ҳаво транспортидан фойдаланиш харажатлари беш йиллик планда кўзда тутилган даражадан камайтириб кўрсатилган. Умуман, пулли хизматларни планлаштириш, топшириқларни корхоналар бўйича тақсимлаш практикаси ҳақида гапирилганда кўпгина саволлар келиб чиқади.

Масалан, қуйидаги фактларни қандай объектив вазиятлар билан изоҳлаш мумкин? Фарғона области уй-жой хўжалиги хизматлари юзасидан белгиланган топшириқларни 105,6 процент бажарди. Бунинг учун у шу хизматлар ҳажмини уч ҳисса оширишга тўғри келди. Навоий областида эса уй-жой ва коммунал хўжалиги хизматлари ҳажми 13 баравар кўпайган бўлса ҳам, аммо планнинг бажарилиши учун шу ҳам етарли бўлиб чиқмади. Бундай мисоллар кўп.

Бу шундан далолат бериб турибдики, корхона ва муассасаларимиз ўз ресурс ҳамда имкониятларини мутлақо билмайдилар. Ўтган йилдан бошлаб корхоналарга планларни тақсимлаб бераётган халқ депутатлари область Советларининг ижроия комитетлари эса мавжуд моддий-техника базасига ва корхоналар, ташкилотларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра пулли хизматларнинг ҳатто жуда жўн ҳисоб-китоблари методикасига ҳам эга эмасдир. Оқибатда баъзан шундай план топшириқлари берилмоқдаки, ўртоқлар уни белгилаётганда нимани дастур қилиб олишганига тушуниш қийин. Ишнинг ана шу соҳаси учун жавобгар бўлган Ўзбекистон ССР Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосари А. Б. Матвеев бундан буён ана шундай нуқсонларга йўл қўйилмаслиги учун чора-тадбирлар кўради, деб ўйлайман.

Пулли хизмат планларининг материал ресурслар билан ҳамон давом этаётган номутаносиблиги хўжалик ходимларида жиддий эътирозлар туғдирмоқда. Ўтган йили Ўзбекистон ССР Госснаби маиший хизмат корхоналарини материаллар билан 53 процентдан 88 процентгача миқдорда таъминлаган экан, уй-жой ремонти ва қурилиши планини бажариб бўладими? Амалда биронта ҳам саноат корхонаси пулли хизматлар кўрсатиш учун материалларнинг ҳатто ярми билан ҳам таъминланмади. Аммо Госснаб раиси Т. Я. Шарипов ишнинг бу соҳасини таъминлашга етарлича баҳо бермагани устига у раҳбарлик қилаётган тармоқ пулли хизмат кўрсатиш юзасидан белгиланган планларни муттасил барбод этиб келмоқда.

Пулли хизматлар кўрсатишни ривожлантиришда республика Давлат нархлар комитети алоҳида роль ўйнаши керак. Нарх белгилаш шундай бир иқтисодий омил бўлиши кераккi, у ишни карахт нуқтадан ниҳоятда қатъият билан силжитиши лозим. Аммо ҳозир хизматларга зарур прейскурантларни топишга уриниб кўрадиган бўлсангиз, улар ҳозир ҳатто область ижроия комитетларида ҳам етишмаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Комитетнинг ўзида прейскурантлар ниҳоятда кам нусхада чиқарилаётганн сабабли талабнинг ҳатто бир процентини ҳам қондираётгани йўқ. Корхоналардаги кўпчилик мутахассислар бир йўла бериладиган буюртмалар калькуляцияси методикасини ҳам билмайдилар. Экономика тараққиётидаги янги жараёнлар ўз йўлигаю, Қ. Аҳмедов бошчилигидаги Давлат нархлар комитети ўз йўлига экан-да, деган таассурот туғилмоқда.

Аҳолига хизмат кўрсатишга республика касаба союзлари ва комсомол органлари ўз улушларини қўшишлари керак. Бошланғич бўғинларни фаол сафарбар этиб, улар меҳнаткашларнинг бевосита иш жойи ва истиқомат жойида хизмат кўрсатишни ривожлантириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга киришиб кетишларига эришиш керак. Аммо Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг раҳбарлари халқ фаровонлигини ошириш йўлида самарали ишлаш ўрнига хизмат кўрсатиш бизнинг ишимиз эмас, деб исботлашга зўр бериб уринишни афзал кўрмоқдалар.

Маълумки, ҳар бир ишнинг муваффақияти, кенг миқёсли вазифанинг бажарилиши, аввало партиявий таъсир билан белгиланади. Тошкент шаҳар Ленин район партия комитетининг ўз территориясида пулли хизмат кўрсатишни ривожлантиришда жон куйдириб иштирок этаётганлиги бунинг ёрқин мисолидир. Район ижроия комитетида пулли хизматни ривожлантиришни мувофиқлаштириб турадиган махсус бўлим тузилиши учун имконият қидириб топилди, бу бўлимга билимдон мутахассислар, шу ишнинг ташаббускорлари жалб этилди. Ҳар бир меҳнат коллективининг имкониятлари ўрганилиб, райондаги барча корхоналар пулли хизмат кўрсатишда иштирок этадиган бўлди. Буларнинг ҳаммаси тиғиз планнинг бажарилиши учун имконият берди, эндиликда ижроия комитет эса шу бўлимнинг ҳисоб сўётида анчагина маблағ — 110 минг сўм пул бор. Райондаги бир қанча корхоналарда хизматлар кўрсатиш учун буюртмалар йиғиш, уларнинг ижросини текшириш учун махсус бўлинмалар тузилди, хизматнинг кўпгина янги турлари ташкил этилиб, улар ҳақида аҳоли дурустгина хабардор қилинмоқда. Ана шу бўлинмаларнинг ходимлари меҳнаткашларнинг кайфиятини яхшилаш учун кўп иш қилмоқдалар, улар ишчиларга ёрдам беришга ҳамиша тайёрдирлар. Пулли хизмат кўрсатиш юзасидан бажарилаётган ишга ҳамиша район партия комитетининг бюросининг диққат марказида турибди.

Пулли хизматларни уюштиришда бошланғич партия ташкилотининг позицияси муҳимдир. Коммунистлар ана шу проблемаларни ҳал этишга принципиал ёндашган ерларда иш юришиб кетди. Чирчиқдаги қурилиш материаллари комбинати бошланғич партия ташкилоти хизмат кўрсатишни ривожлантириш юзасидан маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссиясининг иши яхши ташкил этилган. Комбинатда пулли хизмат кўрсатиш йўқлигининг сабабларидан бири шунда эдики, корхона директори Бойгитов бу масалаларни инкор қилиб келарди, ушбу раҳбар нинг ҳисоботи бошланғич партия ташкилотининг йиғилишида тингланди. Коммунист Бойгитовга виговор эълон қилинди. Пулли хизмат кўрсатишни ривожлантириш, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан конкрет чора-тадбирлар белгиланди. Натижада ана шу энг муҳим кўрсаткичлар бўйича йиллик план муваффақиятли бажарилди. Аммо, афсуски, бундай мисоллар у қадар кўп эмас.

Республикадаги пулли хизмат кўрсатишнинг умумий аҳволига баҳо берадиган бўлсак, ҳозирча партия ташкилотлари бундай хизматларнинг ривожланишига жиддий таъсир ўтказа олмаётганликларини тан олиш керак. Жойларда иш аҳволининг дуруст эмаслиги хусусида бу ерда айтилган барча гаплар кўп жиҳатдан область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич ташкилотларга ҳам таалуқлилиги шубҳасиздир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва республика Министрлар Советининг бўлимлари ҳам республикада пулли хизмат кўрсатишни жадал ривожлантиришда зарур даражада талабчанлик ва изчиллик кўрсата олмадилар. Бу, аввало, В. Ю. Зорин ва П. М. Мирокиловга таалуқлидир, чунки республика миқёсида бу ишни мувофиқлаштириб туриш улар зиммасига юкланган эди. Улар бу масалалар хусусида кўпгина турли кенгашлар ўтказишди, ахборот материаллари тўплашди. Аммо эндиликда булар мутлақо кифоя эмас, чамаси бўлимларнинг ходимлари жойларда жуда кам бўлишган, меҳнат коллективларидаги ишларнинг аҳволи билан қизиқишмаган, уларга ҳамиша ҳам амалий ёрдам беришмаган. Бунинг устига, улар бошқараётган министрликлар ҳам энг қолоқлар қаторига тушиб қолишди.

Аслида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тармоқ бўлимлари пулли хизмат кўрсатишни ривожлантириш билан боғлиқ проблемалардан четда турибдилар. Улар бошқараётган тармоқларида пулли хизматларни ривожлантириш масалаларини пухта ўрганмадилар, бутун йил давомида аниқ мақсадни кўзлаб режали иш олиб бориш ўрнига дуруст тайёргарлик кўрмасдан йиғинлар ўтказишга ва одамларга танбеҳ беришга уннаб кетдилар.

Бу йил пулли хизматларни ривожлантиришда биз ҳаммамиз ниҳоятда қийин ва катта вазифаларни ҳал этишимиз керак. Шуни айтиш кифояки, тасдиқланган план топшириғига кўра, республика бўйича бундай хизматларнинг ўсиши камида 15 процентни ташкил этиши керак, ўтган йили, дуруст ишламаганимиз ҳисобга олинадиган бўлса, хизмат кўрсатиш ҳажмларининг ўсиш суръати 1,3 баравар ортиши лозим. Бошқача айтганда, беш йилликнинг уч йили якунларига кўра, товарлар ва хизматлар комплекс программасида белгилаб берилган пулли хизматларни амалга ошириш маррасига чиқиш зарур. 1989 йилдан бошлаб беш йилликнинг охирига қадар эса мазкур программада белгилаб берилган ҳажмларнинг 20—25 процент ошириб бажарилишини таъминлаш керак. Бу эса келгуси беш йилликда хизмат соҳасини тубдан яхшилаш учун жиддий замин яратишга имкон беради, деди пировардида докладчи.

— Областда товар обороти планининг бажарилишида мушкул аҳвол рўй берганидан кейингина биз аҳолига пулли хизмат кўрсатишни уюштириш билан дурустроқ шуғуллана бошладик, — деб таъкидлади ўз сўзида Андижон область партия комитетининг иккинчи секретари **В. А. Смеюшчев**. — Область партия комитети ҳузурида ташаббускор группа тузилиб, унга партия, совет ва хўжалик органларининг вакиллари киришди. Тадбирлар планини ишлаб чиқилди, бундан кўзда тутилган мақсад пулли хизматлар кўрсатишда корхона ва ташкилотларга амалий ёрдам беришдан иборат. Ишни диққат билан ўрганиш проблемани ҳал этиш йўлларини белгилаб олишга ёрдам берди. Масалан, «Швейтрикотажбыт» область бирлашмаси янги йил байрами арафасида болалар учун маскарад либослари тикишни уюштирди. 134 минг сўмлик ана шундай либослар тайёрланди. Бу коллектив яна областдаги медицина муассасалари учун буюртмага кўра ҳалат тикишга ҳам киришди. Ҳозирнинг ўзидаёқ 6 минг сўмлик хизмат кўрсатилди.

Темирйўлчилар хайрли ташаббус билан чиқдилар. Улар ҳисобдан чиқарилган вагонда маиший комплекс ускуналарини жиҳозлаб, Андижон-Душанбе поезди составига киритдилар. Бу ерда кинофильмлар кўрсатилмоқда, сартарошхона, пойабзал

(Давоми учинчи бетда).

МЕҲНАТ АҲЛИНИНГ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

ремонти устахонаси, совғалар дўкончаси ишламоқда. Фақат икки рейс давридагина йўловчиларга 2,5 минг сўмлик хизмат кўрсатилди.

Троллейбус депоси коллективи ҳам шу ташаббусга қўшилиб, эски троллейбусни ремонтдан чиқарди. Шу троллейбусда болалар кафеси очилди, у шунга яраша жиҳозланди. Ёш андижонликлар ўз она шаҳарлари бўйлаб қизиқарли экскурсияларга чиқиш, ширинликлардан татиб кўриш, шарбат ва чанқовбосди ичимликлар ичиш имкониятига эга бўлдилар. Биз ремонт ишларига бўлган ва ҳозирча қондирилмай турган талабни адо этишга алоҳида эътибор бердик. «Стройреммебельбит» область бошқармаси ҳузурида квартираларни пардозлайдиган иккита буюртма қабул пункти очилди. Кишилар бу ерга келиб хизматларнинг исталган турини танлаб олишлари, маъқул тушган мебелга буюртма беришлари мумкин.

Бундай мисоллар кўп. Бу касса тушумини ошириш, 1987 йилнинг иккинчи ярмида давлат банки кассаларига шундан аввалги олти ойга нисбатан 26,3 миллион сўм кўпроқ маблағ ўтказиш имкониятини берди.

Лекин бу биз ҳамма резервларни ишга тушириб бўлдик, деган гап эмас. Резервлар кўп. Пулли хизматлар кўрсатиш билан ким бевосита шуғулланиши керак, ким турли ташкилотлар ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириб туриши лозим, деган саволлар пайдо бўлади. Хизмат кўрсатишни планлаштиришда ҳам тартиб ўрнатилиши керак. Кўпинча республикадаги анчагина министрликлар ва идораларнинг планлари маҳаллий Советларнинг планларига мос эмас. Мамлакатнинг бошқа регионларида ўрганилаётган хизмат кўрсатишнинг ноанъанавий турлари тўғрисида ахборотнинг йўқлиги бу муҳим ишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришга халал бермоқда. Ҳозирча областда аҳоли жон бошига кўрсатилаётган пулли хизматлар ҳажми бор-йўғи 62 сўму 74 тийиндан иборат бўлиб, умумиттифоқ даражасидан қарийб уч ярим баравар камдир.

— Беш йилликнинг икки йили мобайнида хўжалик юритишнинг янги шароитларида ишлаётган тармоғимиз ходимлари одамларга хизмат кўрсатиш даражасини оширишда муайян силжишлар бўлишига эришдилар, — деди Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри **Б. И. Бугров.** — Иш натижалари тиғиз планларни адо этибгина қолмай, ошириб бажариш ҳам мумкинлигини кўрсатиб турибди. Ҳозир асосий вазифа сўнгги вақтларда эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлашдан иборат.

Лекин бу жўн иш эмас. Цехлар, устахоналар, ательеларнинг меҳнат коллективларида ишни қайта қуриш ҳали сезилмаяпти. Область ижроия комитетларининг аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаларининг кўпчилик раҳбарлари ўз фаолиятини кабинетларда мажлислар ўтказишдан иборат, деб билмоқдалар. Шу ва бошқа кўпгина шунга ўхшаш сабабларга кўра, тармоқдаги 140 та корхона план топшириқларини бажармади. Шу боисдан 9 миллион сўмлик хизмат кўрсатилмади. Сирдарё, Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё областларидаги, Қорақалпоғистон АССРдаги тармоқ корхоналари ёмон ишламоқда. Қўшиб ёзишларга, мижозлар ҳақидан уриб қолиш ва уларни алдашга тармоғимизда ҳали барҳам берилмаган.

Ишни тубдан яхшилашга эришиш учун моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан жиддийроқ шуғулланишимиз керак. Беш йилликнинг қолган уч йили мобайнида 64 миллион сўмлик капитал маблағни ўзлаштириш, маиший хизмат тармоғининг 58 та йирик объектини қуриш лозим. Бу борада Қурилиш министрлиги, «Узагропромстрой», «Главташкентстрой»нинг ёрдами зарур, бу ташкилотлар маиший хизмат объектларини бунёд этиш ва реконструкция қилиш планларини ҳамиша барбод этиб келмоқдалар.

Саноат корхоналари, муассасалар ва ташкилотларда маиший хизмат комплексларини барпо этиш хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг бош йўналиши бўлиши керак. Афсуски, ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтган корхоналарнинг кўпчилик раҳбарлари маиший хизмат ходимларига улар ижарага олган биноларни бўшатиш тўғрисида фармойиш бермоқдалар. Бу корхоналар ўз кучлари билан ҳамма хизматларни бажаришлари мумкинлигини рўкач қилмоқдалар. Бу реал иш эмас. Чунки улар ихтиёрида малакали мутахассислар, зарур материаллар йўқ. Бунинг устига, ана шундай иш тутиш хизмат кўрсатиш тўғрисидаги мавжуд қоидаларни бузишнинг худди ўзгинасидир.

Нархлар тартибга солинмаганлиги хизмат кўрсатиш ҳажмларини кўпайтириш йўлидаги катта тўсиқдир. Масалан, беморлар ва болаларга қараб туриш, мебель йиғиш учун белгиланган расценкалар ҳаддан зиёд каттадир. Айни вақтда чармгалантерея товарлари ремонти, китобларни муқовалаш ва бошқа ишлар учун белгиланган нархлар асоссиз тарзда пасайтириб юборилган.

Фурнитура, парфюмерия, бўёқлар, газлама етишмаётганлиги кўп жиҳатдан кўрсатилаётган хизмат сифатига путур етказмоқда. Республиканинг таъминот органлари эскичасига ишламоқда, улар мижозларимизнинг тобора ўсиб бораётган талабларини ҳисобга олмаётирлар.

Яқин орада тармоқнинг барча бўлинмалари ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтади. Биз бунга зўр бериб тайёргарлик кўрмоқдамиз: буюртмаларни бажаришга касаначиларни жалб этмоқдамиз, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг шартномавий формаларини жорий қилмоқдамиз. Одамларга имкони борича катта ёрдам бериши лозим бўлган тармоқ ишини комплекс тадбирлар кўрибгина яхшилаш мумкин.

— Ўтган йили хўжалигимиз меҳнаткашларига хизматнинг 18 тури мунтазам равишда кўрсатилди, шу туфайли қўшимча 100 минг сўм фойда кўрдик, — деб таъкидлади Тошкент областидаги «Ленинский путь» колхозининг раиси **И. А. Бобожонов.** — Биз колхозда қурилиш бригадаси ташкил этдик. Бу бригада 50 минг сўмлик иш бажарди. Мақсадимиз-индивидуал лойиҳалар бўйича ўз кучимиз билан уй-жой бунёд этиш учун база яратишдан иборат, бу ишни бошлаб юбордик. Четдан одам жалб этгандан кўра бу йўл фойдалироқ эканини ҳисоб-китоблар кўрсатиб турибди.

Аммо қурбимиз етмай турган қийинчиликлар ҳам бор. Колхозга ажратилаётган қурилиш материаллари бугунги эҳтиёжларимизга яраша эмас. Биз бундай материалларни меҳнаткашларнинг нақд пулига ихтисослаштирилган магазинлардан сотиб олмоқдамиз. Афсуски, харидоргир товарни касодга учраганни билан қўшиб сотишади. Оқибатда одамлар анчагина пулларини беҳуда тасарруф этмоқдалар.

Яна бир бошқа масала ҳам бор. Хўжалигимизда 500 номерли АТС бор. Уни сотиб олиш ва монтаж қилишга колхоз 200 минг сўм сарфлади. Энди ҳар бир хонадонда телефон бор. Аммо Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги, район агросаноат бирлашмаси мазкур автомат телефон станциясини район алоқа узели балансига текинга ўтказишни талаб қилмоқдалар. Нега шундай бўляпти, бунга тушуниб етиш қийин.

Маданият саройимиз ҳам аҳолига кўпгина пулли хизматлар кўрсатмоқда. Бу ерда дискотека, балет студияси, бал рақслари тўгараги, видеосалон ишлаб турибди. Аммо бизга нотўғри йўл тутаётганимизни, маданият саройи мафкуравий иш маркази бўлиши лозимлигини исботлашга уринмоқдалар. Барча пулли студиялар ва тўгаракларни ёпиб қўядиган бўлсак, колхоз ҳар йили неча ўн минг сўмдан маҳрум бўлиб қолади. Бир нарсага тушунолмай турибмиз. Наҳотки, қишлоқ меҳнаткашларининг маданий даражасини ошириш мафкуравий фаолият жабҳасига кирмаса? Яна бир мисол тариқасида қишки клуб ҳақида гапирмоқчиман. Клуб бизга зиён келтириб ишламоқда. Эски, саёз фильмларни кўришга саноқли одамлар боради. Биз клубни тантаналар ўтказиладиган уйга айлантирмоқчи бўлдик. Бу қўшимча маблағ олиш имкониятини беради, деб ўйладик. Аммо маҳаллий молия органлари устма-уст текшириш ўтказа бошладилар, тихирлик қилиб майда-чуйда ишларга ҳам аралашдилар. Бу ерда саккизта турли комиссия ишлади. Лекин улардан ҳеч бири колхозчиларнинг ўзидан сизга шунақа клуб керакми, деб сўрамади.

Ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида бунга йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайман. Хўш, нима учун биз далаларда оғир меҳнат қилиб топилган пулларни зарар кўриб ишлайдиган муассасаларга сарфлашимиз керак экан? Хўжаликдаги кўпгина объектларни реконструкция қилиш лозим. Бунинг ўрнига эса биз фақат зиён етказаётган, сийқаси чиққан дастуруламалдан фойдаланишимиз керак экан.

Қишлоқдаги турмуш шароитлари кўп жиҳатдан шаҳардагидан фарқ қилади. Вазифамиз ана шу тафовутларни йўқотишдан иборатдир. Аммо бунинг учун кўпроқ мустақил бўлишимиз керак. Қанча турда пулли хизмат лозимлигини, олинган фойдани қаерга сарфлаш даркорлигини колхозчиларнинг ўзи ҳал этиши керак. Ўзини ўзи пул билан таъминлаш шароитида кимки яхши ишлаётган бўлса, ўша одам яхши яшаши керак.

— Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга районнинг барча корхона ва ташкилотларини жалб этишни ўз вазифамиз деб ҳисоблаймиз, — деб таъкидлади Тошкент шаҳридаги Ленин райони партия комитетининг биринчи секретари **В. Д. Ардатов** ўз нутқида. — Ўтган йили бундай корхоналар 68 та эди. Ҳозир 80 тага етди. Булар 60 миллион сўмлик турли хизматларни бажаришлари керак.

Ҳозир иш дуруст кетяпти. Барча корхоналар план топшириқларини бажармоқдалар, 300 минг сўмликдан кўпроқ иш бажарилди. Аммо бу хотиржам бўлиш учун баҳона эмас. Ана шу муҳим ва одамлар учун зарур бўлган ишда ҳали кўп ноаниқ, пухта ўйланмаган жиҳатлар бор. Турли тармоқларга мансуб корхоналарда кўпгина фойдаланилмаётган резервлар ва имкониятлар борлиги шубҳасиз. Аммо турлича идоравий ишкалликлар туфайли бу резерв ва имкониятларни рўёбга чиқариш қийин бўлмоқда.

Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси район территориясида жойлашган. Хизмат кўрсатиш планида ушбу бошқармага 6 миллион сўмлик иш бажариш белгилаб қўйилган. Магистрал Красноводск шаҳридан Аристагача бўлган территорияни қамраб олади. Ҳисобот эса бизнинг районимиз орқали ўтади. Шундай вазиятда нима қилиш керак? Аниқ-равшан жавоб йўқ. Бизни ҳаяжонга солиб турган бошқа бир масала ҳам бор: корхоналарнинг турли хизмат кўрсатиш юзасидан ишини ким мувофиқлаштириб туриши керак, ким уларни одамларнинг эҳтиёжини қондиришга йўллаб туриши керак. Илгари бу масалалар билан район ижроия комитетлари ҳузуридаги маиший хизмат бўлимлари шуғулланар эди. Эндиликда Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг таклифи билан бу бўлимлар тарқатиб юборилди. Демак, ишнинг оғирлиги район партия комитети зиммасига тушмоқда. Лекин бу комитетнинг бошқа муҳим вазифалари ҳам бор.

Аҳолига кўрсатилаётган хизматнинг сони ва сифатини кескин ошириш учун корхоналарнинг имкониятларини, фойдаланилаётган материалларни, бошқа ресурсларни яхши билиш керак. Етарли тажрибага эга бўлмаган коллективлар эса чамалаб ишлаб, хатолар қилиб, бой берилган ишларни етказиб олишлари керак. Эришилган барча ютуқлардан уларни бохабар қилиш, тавсиялар бериш, конкрет вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилиш дурустроқ бўлмасдими? Аммо бу иш билан ким шуғулланади? Реклама ҳам кўнгилдагидек эмас..

Аслида эса иш бошқача бўлмоқда. Завод ва фабриканинг профили ҳисобга олинмасдан, фақат сон жиҳати ҳисобга олиниб, план белгиланади. Гапни чигаллаштирмоқчи эмасману, аммо ҳозир район, шаҳар ва область планлаштирувчи органлари ўртасида ўзаро алоқа ва ҳамжиҳатлик йўқ.

Бу масалалар ҳаяжонга солмаслиги мумкин эмас. Бажарилган хизматлар учун ҳақ тўлашда ҳам кўпгина ноаниқ жиҳатлар бор. Ҳанузгача ҳам бирорта инструкция йўқ. Бу вазифаларни мустақил ечишга уриниладиган бўлса, молия органларининг қатъий раддиясига дуч келинмоқда. Ишлаб чиқариш чиқитларидан фойдаланаётган кишилар учун моддий рағбатлантириш формалари пухта ўйлаб чиқилмаган. Корхоналарга металл парчаларини базага топшириб, мукофот олиш осонроғу, аммо бу металлардан фойдаланиш, харидоргир буюмларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мушкулроқ. Пулли хизмат соҳасига кирадиган янги маҳсулот учун прейскурантлар йўқ.

Биз ҳали бу соҳада етарли тажрибага эга эмасмиз. Биз ишни қанчалик тез ўнглаб олсак, райондаги корхоналар ва ташкилотлар республика пойтахти аҳолисига шу қадар кўп хизматни тавсия этадилар.

— Маиший хизмат доирасини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган нарх белгилаш масалаларини оператив ҳал этиш учун маиший ва коммунал хизматнинг кўпгина турларига янги тарифлар жорий этилган, — деди Ўзбекистон ССР Нархлар давлат комитетининг раиси **Қ. Аҳмедов.** — Аммо фактлар шундан далолат бериб турибдики, бу муҳим ишда жиддий нуқсонлар бор. Мижозлар ҳақига хиёнат қилиш, иш ҳажмларини ошириб кўрсатиш, прейскурантлардан нотўғри фойдаланиш, корхоналарнинг берилган разрядларга номувофиқлиги оқибатида қонун-қоида бузиш ҳоллари кўпаймоқда.

Навоий ва Қашқадарё областлари, Қорақалпоғистон АССРдаги иш аҳволи айниқса ташвишлидир. Маиший ва коммунал хизмат соҳасидаги турли қонун-қоида бузилишлари сабаблигина 134 минг сўм ҳисобдан чиқариб ташланди.

Буларнинг ҳаммаси министрлик ва идоралар раҳбарлари томонидан зарур назорат ўрнатилмаганлиги, улар қоидабузарлар билан муроса қилаётгани оқибатида содир бўлди. Маиший хизмат соҳасидаги текшириш ўтказилган ҳар уч корхонанинг биттасида қонун-қоида бузилган.

Киши жон бошига ҳисоблаганда пулли хизмат кўрсатиш юзасидан республикамиз мамлакатда сўнгги ўринлардан бирида турибди. Айни вақтда таҳлил шундан далолат бермоқдаки, мавжуд аҳволни ўнглаб олиш учун катта резервлардан дуруст фойдаланилмаяпти. Бир неча мисол айтмоқчиман: Республикадаги 2 мингга яқин якка тартибда кийим тикиш устахоналари ва ательелардан фақат учтасига олий разряд берилган, 82 таси биринчи разрядли. 945 та фотоустахонасидан фақат биттаси олий разрядли, 16 таси эса биринчи разрядлидир.

Буюртмаларни бажариш сифатини ошириш, лоақал ҳар бир область марказида биттадан олий разрядли ателье очиш йиллик пулли хизмат ҳажмини 4 миллион сўмга ошириш имкониятини беради. Бу меҳмонхона хўжалигига ҳам тўла таалуқлидир.

Буюртмаларни бажариш сифатини яхшилаш хизмат кўрсатишни кенгайтиришнинг яна бир резервидир. Кўпинча бу буюмларнинг сифати паст, дид билан ишланмаган, улар бозори касод бўлиб, тайёр маҳсулотнинг нормативдан ортиқча қисми сифатида қалашиб ётаверади. 7 миллион сўмлик ана шундай товарлар тўпланиб қолди.

Эндиликда хизмат кўрсатиш корхоналари раҳбарларига прейскурантларда кўзда тутилмаган хизматлар учун нарх белгилашга рухсат этилган. Шундай қилиб, амалда хизматнинг янги турларини жорий этиш учун ниҳоятда катта имкониятлар очилди. Афсуски, бу ҳуқуқдан фойдаланаётганлар кўп эмас.

Шу нарса равшанки, маиший хизмат корхоналари ҳозирги мавжуд талабларни бузмасдан туриб, хизмат тармоғини кенгайтириш, унинг таннархини арзонлаштириш учун анча самаралироқ ишлашлари мумкин.

— Ҳозир корхонамизда хизмат кўрсатиш билан деярли барча цехлар ва бўлинмалар шуғулланмоқда, — деб таъкидлади Тошкент электрон техника заводи пулли хизмат бюросининг бошлиғи **О. С. Чичев.** — Бу ишга махсус тузилган бюро раҳбарлик қилмоқда. План ниҳоятда катта, фақат ўз ходимларимизга хизмат кўрсатиш эвазигагина уни бажариш мумкин эмас. Шунинг учун кооперативлар тузиш йўлини танладик.

Ҳозир иккита кооператив туздик, фото, автохизмат кооперативларининг ҳар бирида хизматнинг 15 тури кўрсатилмоқда. Яқин орада яна иккита кооператив — уй-жой ва боғ-ҳовлилардаги уйлар ремонти ва қурилиши бўйича, шунингдек, тиш касалликларини даволаш ва протез қўйиш кооперативлари ишлай бошлайди.

Ленин район ижроия комитетида районимиздаги барча корхоналар тўғрисида маълумотлар йиғилган хизмат кўрсатиш бўйича мувофиқлаштирувчи марказ тузилгани жуда соз бўлди. Бу аҳолига пулли хизмат кўрсатишни аниқ мақсадни кўзлаб ривожлантиришга ёрдам беради.

Маиший хизмат ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатишнинг техникавий базасини ривожлантиришда цехларнинг манфаатдорлигини ошириш учун тегишли низомлар ишлаб чиқдик. Пулли хизмат бюросини ривожлантириш учун барча цехлар ва кооперативлар фойдасидан 2 процент миқдорида маблағ ажратилмоқда. Бу корхонанинг ўзида ҳам, заводдан четда ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини планли равишда кенгайтиришни анча тез ва оператив олиб бориш имконини беради.

Проблемалар ҳам бор, албатта. Буларнинг энг асосийси — шартномавий нархлар бўйича ишлашнинг тақиқлаб қўйилишидир, бу хизмат кўрсатишни ривожлантиришга тўғаноқ бўлмоқда. Афсуски, кооператив ва ишлаб чиқариш участкалари учун зарур бўлаётган кўпгина деталлар ва эҳтиёт қисмларни ҳозирча бир амаллаб «ундиришга» мажбур бўлмоқдамиз. Бунинг устига бу нарсаларни аниқ бир нархда эмас, балки, ҳатто арзимаган детални ҳам қимматга сотиб олишга мажбур бўлмоқдамиз. Аҳолига хизмат кўрсатишни ривожлантираётган коллективларни материаллар билан таъминлаш масаласини бош бошқармалар ва министрликлар даражасида ҳал этиш керак.

— Алоқа корхоналарининг хилма-хил фаолиятида аҳолининг телефон алоқасига эҳтиёжини тўлароқ қондириш, телевизион кўрсатувлар программаларининг пухта ва сифатли кўрсатувини таъминлаш долзарб масалалар бўлиб қолмоқда, — деб таъкидлади Ўзбекистон ССР алоқа министри **К. Раҳимов.** — Биз шу беш йилликда телефон алоқасини ривожлантиришдаги қолоқликка барҳам бериш, республика барча аҳолисининг телевидение иккала программасини ҳам кўра олишини таъминлаш ва кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини 1,75 баравар ошириш вазифасини ўз олдимизга қўйдик.

Аммо тармоқнинг моддий-техника базаси ҳозирча, кўнгилдагидек самара бераётгани йўқ. Ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитида ишлаётган меҳнат коллективларининг имкониятларидан суст фойдаланилмоқда. Масалан, Андижон, Жиззах ва Қашқадарё областларидаги алоқа корхоналари ўтган йили пулли хизмат планини бажара олмадилар, Сурхондарё областида ва Қорақалпоғистон АССРда кўрсатилган хизмат улуши республикадаги даражадан пастроқ бўлди.

Квартиралар учун телефонлар ниҳоятда тақчил бўлган бир шароитда телефон станциялари мавжуд қувватларининг 15 проценти ишга солинмаган. Идоралардаги телефонлар сонини камайтириш ва уларни аҳоли ихтиёрига бериб қўйиш яна бир муҳим резервдир. Блоклаштириш йўли билан коллектив фойдаланиш мумкин бўлган телефонларни кўпроқ ўрнатиш керак. Чунки, давлат битта телефон ўрнатиш учун 400 сўм сарфлайди, аммо бу телефондан бир сутканинг 5 проценти мобайнидагина фойдаланилмоқда.

Кўрилаётган тадбирларга қарамай, алоқачилар иши хусусида меҳнаткашлардан тушаётган шикоятлар камаймаяпти. Почта вақтида етказиб берилмаётганлиги, телефонлар дуруст ишламаётганлиги учун бизни адолатли танқид қиляптилар. Биз бу масалаларни кечиктирмай ҳал қилишга интилмоқдамиз. Тошкент ва республиканинг тўртта область марказидаги обуначилар учун почтани тезроқ етказиб бериш мақсадида шу йилдан бошлаб посилкаларни тез саралаб, бир кеча-кундуз мобайнида етказиб берадиган алоқа бўлимлари ишлай бошлайди.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети билан биргаликда Тошкент аҳолиси ва меҳмонлари учун маълумот-ахборот радиопрограммасини ташкил этиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

— Бухоро шаҳри учун 2000 йилга қадар бўлган даврга ишлаб чиқилган халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасини ривожлантиришнинг комплекс программасида пулли хизмат ҳажмларини 3,5 баравар ошириш кўзда тутилган, деди Бухоро шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари **Х. К. Козаков.** — Аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш юзасидан биз бошқа республикалардан анча орқада қолаётганимизни, шунингдек шаҳримиз сайёҳлар шаҳри эканлигини ҳисобга олиб, бу программани жадалроқ суръатда амалга ошириш ва хизмат ҳажмини тўрт баравар кўпайтиришга қарор қилинди.

Эндиликда область марказида аҳолига пулли хизмат кўрсатишга илгари бу иш билан мутлақо шуғулланмаган корхоналар ва ташкилотлар ҳам жалб этилди. Масалан, ёғочсозлик заводи уй-жой қурилиши кооперативларининг янги уйларидаги айвонларда дераза роми ўрнатиш тўғрисида шартнома тузди. Бу янги уйга кўчиб кирган оилаларга қулай бўлиши билан бир қаторда шаҳарнинг архитектура қиёфаси кўркамлашишига ҳам ёрдам берди. Чунки айвонларга ҳар ким ўзича катта-кичик, турли рангдаги ромлар ўрнатиши барҳам топди.

Область стоматология поликлиникаси хирургия ва терапия ёрдами кўрсатиш юзасидан пулли кабинетлар очди. Бу кабинетлар остонасида навбат кутиб турмайсиз, бу ерларда юқори малакали мутахассислар ишламоқда, қисқа муддат ичида улар аҳоли ўртасида катта довруғ қозонганлиги боисидан ҳозир хўжалик ҳисобида ишлайдиган стоматология поликлиникасини очиш тўғрисидаги масала ўртага жиддий тарзда қўйилмоқда.

Трикотаж фабрикаси якка тартибдаги буюртмаларга кўра кийим тикиш участкаси ташкил этди. Умумий овқатланиш тресті буюртмачининг масаллиғидан унинг уйида таом тайёрлаш, оилавий тўй-маъракаларда хизмат кўрсатишдек ишларни бажаришга киришди, мутахассис пазандаларнинг консультациясини уюштирди, ёш уй бекалари мактабини очди. Маданият саройида хореография, аэробика, бичиш-тикиш, тўқиш, чет эл тилларини ўргатиш пулли курслари ишлаб турибди. Автомобиль ҳаваскорлари ва автотуристларга хизмат кўрсатиш ташкил этилди.

Аммо шу иш жараёнида кўпгина проблемаларга дуч келмоқдамиз. Бошқарувнинг тармоқ ва территориал органлари ўртасида аниқ-пухта ҳамжиҳатлик йўқлиги ана шундай муаммолардан биридир. Моддий ресурслар министрлик ва идоралар ихтиёридалиги муносабати билан, фикримизча, улар ўз қарамоғидаги корхоналарнинг эҳтиёжларини тўлароқ ҳисобга олиб, пулли хизматни ривожлантириш планларини материал ресурслар билан мустаҳкамлашлари лозим. Масалан, тўқимачилик комбинати ўз ишчиларига квартираларни ремонт қилишда хизмат кўрсатишга тайёр, аммо бўёқлар ва бошқа зарур материалларнинг йўқлиги туфайли бу иш тўхтаб қолди. Бошқа кўпгина корхоналарда ҳам аҳвол ана шундай.

Яна бир муаммо бор. Профили тўғри келмайдиган корхоналарда пулли хизматни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган методик кўрсатмалар йўқ. Ким билан маслаҳатлашишни билмаймиз. Қоқилиб-суқулиб ишлаб, хатоларга йўл қўймоқдамиз. Бундан ташқари, шу сабабга кўра, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги бўлимлари ва нопрофиль корхоналар ўртасида анчагина баҳслар ва тортишувлар ҳам бўлиб турибди. Оммавий пропаганда ва ахборот воситаларида хизмат кўрсатиш соҳасидаги илғор тажриба етарлича ёритилмаётир.

Пулли хизмат кўрсатишни ривожлантириш соҳасида бизда фойдаланилмаётган резервлар кўп. Ҳозир ана шу резервларни аниқлаш ва шу йилнинг ўзидаёқ уларни тўла ишга солиш учун чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Қайси омиллар ҳисобига аҳолига хизмат кўрсатишни кўпайтирмоқдамиз? — деди ўз нутқида Тахиатош ГРЭСи бошланғич партия ташкилотининг секретари **Ж. В. Шендера.** — Биринчидан, маиший хизматни кўпайтирмоқдамиз: ходимларимизнинг буюртмасига кўра, уй-жойларни яхши ремонт қилиб бермоқдамиз, якка тартибда уй-жой қурувчиларнинг илтимосига кўра, дераза ромлари, эшиклар тайёрламоқдамиз. Иккинчидан, уй-жой қурилишини, мактабгача тарбия болалар муассасалари тармоғини кенгайтирмоқдамиз, ҳозир бизда 720 ўринли учта болалар боғчаси бор, ўтган йилнинг ўзидагина бундан илгариги йилга нисбатан бу соҳада хизмат кўрсатиш ҳажми қарийб учдан бир ҳисса кўпайди. Соғломлаштириш борасида кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ошмоқда. ГРЭС ҳузурида санаторий-профилакторий бор, бир йил мобайнида бу ерда ҳар бир ишчи ўз соғлиғини мустаҳкамлаши мумкин. Ҳар бир йўлланма 22 сўмга тушади, қолган қисмини касаба союз тўлайди.

Коллективни техникавий ва социал ривожлантириш плани ишлаб чиқилди, шунга кўра беш йиллик охиригача пулли хизматларни 300 минг сўмгача етказиш мўлжалланмоқда. Уй-жой қуришни кенгайтириш, пионерлар лагери қуриш, бошқа маданий-маиший объектларни бунёд этиш назарда тутилмоқда. Уй-жойларни якка тартибда қуришни ривожлантириш, аҳоли илтимосларига кўра, боғдорчилик-сабзавотчилик участкаларида бинолар қуриш ва уларни жиҳозлаш, иссиқ сув билан таъминлаш шохобчаларини жиҳозлаш, соғломлаштириш хизматини кенгайтиришни фойдаланилмаётган резервлар қаторига киритмоқдамиз.

Партия ташкилоти бундан буён пулли хизматлар тармоғини янада жадалроқ ривожлантиришга эришиш лозим, деб ҳисоблайди, чунки бу коллектив иши кўрсаткичларини яхшилашга хизмат қилиши билан бир қаторда ниҳоятда муҳим социал масалаларни самаралироқ ҳал этишга имкон беради. Жумладан, корхона хўжалик ҳисобига ўтиши муносабати билан қўли бўшаб қолган аҳолини иш билан таъминлашдек ўткир проблемани муваффақиятли ҳал этиш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

— «Главташкентстрой» аҳолига пулли маиший хизмат кўрсатиш программасини шу тахлитда тақсимлаб чиқдики, беш йиллик охиригача бундай хизматларнинг йиллик ҳажми қарийб 4 марта кўпайиб, 1,5 миллион сўмга етади, — деди «Главташкентстрой» бошлиғининг ўринбосари **К. А. Салихов.** — Агар беш йилликнинг биринчи йилида ташкилотларимиз пулли хизматнинг бор-йўғи уч-тўрт турини кўрсатган бўлсалар, эндиликда уларнинг сони 15 тага етди. Аҳолининг якка тартибдаги буюртмаларига кўра квартираларни яхшилаб пардозлаш, кооператив ва шахсий гаражлар қуриш, боғдорчилик-сабзавотчилик жамиятлари учун уйлар ва бошқа иморатлар қуриш, шунингдек ана шу участкаларда зовур-ер қазиш ишларини бажариш, маҳаллаларда, якка тартибдаги уй-жой қуриш массивларида водопровод ва канализация шохобчаларини ётқизиш, транспорт хизмати кўрсатиш шулар жумласига киради. Ҳозир бизнинг барча бўлинмаларимиз аҳолига пулли хизмат кўрсатмоқдалар.

Айни вақтда хотиржамлик ва бепарволик учун асос йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳозиргача амалга оширилган барча ишлар қилиниши лозим бўлган юмушларнинг фақат озгина қисмидир, холос. Бугун бу ерда шанимизга айтилган танқид ғоят адолатлидир. Бунинг устига пулли хизматлар ролини уқиб олишда бўлинмаларимизда содир бўлган муайян ижобий силжишларга қарамай, ўтган йили план умуман бажарилмай қолди.

Бўлинмаларнинг айрим раҳбарлари бу ишга етарлича баҳо беришмаётгани қолоқликнинг бош сабабидир. Аммо бир қанча объектив сабаблар ҳам бор.

Маиший ва бошқа хизматларни ҳокимиятнинг маҳаллий органлари, конкрет оладиган бўлсак, республика Давлат план комитети амалга оширмоқда. Катта ваколатларга эга бўлган мана шу ташкилотда бундай планлар ишлаб чиқилаётганида мазкур планларнинг моддий-техника ресурсларига, қувватларига ва ижрочиларнинг реал имкониятларига тўла мувофиқ келиши яхшироқ ҳисобга олинишини истар эдик.

«Главташкентстрой» бўлинмалари аҳолига бу йил ўтган йили ўзлаштирилганига нисбатан икки баравар кўп пулли хизмат кўрсатишлари керак. Бу тиғиз пландир. Ҳозир қувватларни ошириш учун чора-тадбирлар кўрилмоқда, тегишли моддий-техника базаси вужудга келтирилмоқда. Мазкур база аҳолига пулли хизмат кўрсатишни тармоқ даражасига кўтариш имконини бериши лозим.

Уйсозлик комбинатларида квартираларни ремонт қиладиган, йиғма конструкциялардан боғ-ҳовли учун уйлар монтаж қиладиган махсус бригадалар тузилмоқда. Бир қанча трестларда якка тартибдаги буюртмаларга кўра боғ ва дала ҳовлилар учун ғиштли уйлар қурилмоқда «Ташинжстрой» ва «Таштрансспецстрой» трестлари якка тартибда уй-жой қурилган массивларда, шунингдек боғдорчилик-сабзавотчилик ширкатларида йўллар, ирригация коммуникациялари, инженерлик тармоқларини жиҳозлаш юзасидан буюртмаларни бажармоқдалар.

Бундан ташқари, умуман Тошкент бўйича муҳим халқ хўжалик проблемаларини ҳал этишда қурувчиларнинг яна ҳам фаолроқ иштирокини таъминлайдиган чора-тадбирлар белгиланди. Планларда ательелар, фабрикалар ва химиявий тозалаш цехлари, сартарошхоналар, маиший хизмат комбинатларини ва аҳолига пулли хизмат кўрсатиш вазифасини зиммасига олган бошқа корхоналар ва бўлимларни, яъни маиший хизматга тааллуқли объектларни қуриш ва уларни фойдаланишга топширишни анча ўстириш назарда тутилмоқда.

— Коллективимизда хизмат соҳасини ривожлантиришга умумий социал-иқтисодий вазифанинг ажралмас қисми, инсон омилини кучайтиришнинг таъсирчан воситаси деб қаралмоқда, — деб таъкидлади Самарқанддаги 8 Март тикувчилик-ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси **Л. Я. Филимонова.** — Бирлашманинг ўзида ҳам, унинг филиалларида ҳам ходимларга савдо-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш учун анчагина ишлар қилинди, лекин бу катта юмушнинг бошланишидир, холос. Илгаригидек ҳозир ҳам ишчи ва хизматчиларнинг хизматларга бўлган талаби тўла қондирилмаётир. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленумида илгари сурилган талаблар асосида пулли хизмат соҳасини ривожлантиришни икки-уч баравар жадаллаштиришни мўлжаллаб турибмиз.

Бунинг учун бизда реал имкониятлар бор. Яқин орада бирлашма ихтиёрига берилган шаҳар боғ-кўли зонасида спорт-соғломлаштириш комплекси ишлай бошлайди, бу комплекс хизматидан тикувчилар ҳам, шаҳарликлар ҳам баҳраманд бўлиши мумкин. Уй-жой ремонти ва якка тартибда уй-жой қуриш учун буюртмаларни бажарадиган бригадалар тузилмоқда. Иккинчи ярим йилликда бирлашма ҳузурида масаллиқлар салони бўлган фирма магазини очиш мўлжалланмоқда. Ҳамма турдаги рўзғор тикув машиналарини ремонт қилиш, санитария-техника ускуналари ремонти, якка буюртмаларга кўра кийим тикиш, фото хизмати юзасидан аҳолига хизмат кўрсатиш кенгаяди.

Белгиланган тадбирлар хизматлар юзасидан йиллик планнинг бажарилишини таъминлайди. Лекин биз буни эндиликда етарли, деб ҳисобламаймиз. Хўжалик ходимлари билан биргаликда маиший турмуш ва савдо соҳасини, хизматларнинг барча турларини янада жадалроқ ривожлантириш учун қўшимча имкониятларни изламоқдамиз.

Савдо-маиший комплекс ишини биз мутлақо етарли назорат қилмаяпмиз, деб ҳисоблайман. Маиший хизмат, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари иш режимини тартибга солиш зарурлиги тўғрисида жуда кўп гапирилди, бу корхоналарнинг иш графигини уларда ишлаётган кишилар учун эмас, аввало, улар хизматидан фойдаланаётган одамлар учун қулай қилиш ҳақида анчагина гапирдик. Бу масалалар ўз вақтида ўртага қўйилган ва ҳал этилган эди, аммо аста-секин, ҳокимиятнинг маҳаллий органлари назорат қилмаганлиги ва йўл қўйиб берганлигидан фойдаланиб, яна ўзбошимчалик билан эски тартибга қайтилди. Бундай ўзбошимчаликка тоқат қилиб бўлмайди. Айниқса ҳозир, тобора кўпроқ ишлаб чиқариш коллективлари икки ва уч сменали иш режимига ўтаётган кезда бу билан муроса қилиб бўлмайди.

Коллективимизнинг Самарқанд область матлубот союзига бир қанча эътирозлари бор. Шартномага кўра, бирлашма шаҳар кооперация савдоси идораси учун магазин қуриб берди, бундан мақсад, гарчи кооператив нархларда бўлса ҳам ҳамиша гўшт ва колбасанинг бир неча турлари сотилишини йўлга қўйиш эди. Аммо магазин кўпинча ёпиқ турибди. Биз шу хусусда турли идораларга мурожаат қилган бўлсак ҳам, ҳозирча натижа йўқ.

Мен юқорида бирлашма ихтиёрига ўтказилган истироҳат боғ-кўл зонаси ҳақида гапирдим.

Шу хусусда гап борганида шаҳар идоралари бу ерда кўп вақтдан бери қурилаётган сув ҳавзаларини битказадилар, деб келишиб олинган эди. Бу тўғрида область ва республика матбуотида танқидий мақолалар босилди. Масала бир неча бор шаҳар ижроия комитетида, халқ контроли комитетларининг мажлисларида муҳокама қилинди. Аммо аҳвол ҳали ҳам ўша-ўша. Мавсум бошланишига қадар, яъни апрель ойигача ваколатли ташкилотлар ниҳоят ўз сўзларининг устидан чиқадилар, деб умид қиламиз.

— Республикада беш йилликнинг икки йили мобайнида моддий харажатлар салмоғининг ўсиш тенденцияси пайдо бўлди, шу туфайли қарийб 2 миллиард сўм бой берилди, — деди Ўзбекистон ССР Госснаби раиси **Т. Я. Шарипов.** — Бу — ресурсларни тежаш борасида қониқарсиз иш олиб борилаётганининг, корхоналар кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни истамаётганлигининг оқибатидир. Масалан, Тошкентдаги «Компрессор» заводига халқ учун қўшимча тарзда 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғи белгиланган эди. Бунинг учун завод 1000 погон метр камёб қувур, бошқа материаллар сўради. Ҳисоб-китоблар шундан далолат бериб турибдики, агар шунча материал аҳолига нақд пулга сотилса, қўшимча топшириқ қиймати баробарида маблағга эга бўлиш мумкин.

Нотиқлар Госснаб шаънига танқидий фикр-мулоҳазалар айтишди, бу холис танқиддир. Аммо кўпчилик министрлик ва идоралар хизмат кўрсатишга мўлжалланган моддий ресурслар сарфининг техникавий жиҳатдан аниқ пухта асослаб берилган кўрсаткичларига эга эмасликлари ҳам аниқ кўриниб турибди. Баъзан раҳбарлар аҳолига кўрсатиладиган хизматлар, асосан иккиламчи ресурслар ва ишлаб чиқариш чиқитлари ҳисобига бажарилиши лозимлигини унутиб қўймоқдалар.

1 апрелдан бошлаб республиканинг ҳар бир областида таъминот системасининг хўжалик ҳисобидаги асосий бўғинлари бўлган Госснабнинг территориал бош бошқармалари ишга тушади. Корхоналар ва ташкилотларни турли моддий ресурслар билан дуруст таъминлаш учун бутун жавобгарлик ана шу бошқармалар зиммасига тушади.

Бу йил аҳолига ёнилғи ва қурилиш материаллари сотадиган корхоналар ва базалар бизнинг ихтиёримиздан олинди. Аммо шунга қарамасдан, биз пулли хизмат кўрсатишдан воз кечганимиз йўқ, кооперативларни ривожлантиришга киришдик. Улар квартираларни ремонт қилмоқдалар, дурадгорлик материаллари тайёрлаб сотмоқдалар, боғдорчилик, сабзавотчилик ширкатларига хизмат кўрсатмоқдалар. Бу анчагина фойда бермоқда.

Хўжалик механизми ишини қайта қуриш Ўзбекистон ССР Госснаби фаолиятига ижобий таъсир этди. Биз бу йил минг хил буюмни фонд ва лимитларсиз улгуржи савдога чиқардик. Бу борадаги ишимизни давом эттирамиз.

Партия-хўжалик активлари йиғилишида КПСС Марказий Комитети савдо ва маиший хизмат бўлими мудири **Н. А. Сташенков** сўзга чиқди.

Қабул қилинган резолюцияда бу йил республиканинг комплекс программасида белгилаб қўйилган марраларга эришишни таъминлайдиган конкрет тадбирлар белгиланган. Беш йиллик охирига келиб, Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқлари аҳолисига пулли хизмат кўрсатиш плани ҳажмларини йигирма-йигирма беш процент ошириб бажариш назарда тутилмоқда.

(ЎзТАГ).

Қодиржон СОБИРОВ

ТАРОЗИНИНГ ИККИ ПАЛЛАСИ

ИНСОН. ЖАМИЯТ. ҚОНУН

Замонамиз қайта қуриш, ошкоралик, покланиш замонаси. Одамлар фақатгина шу кунларда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, адолатсизликлар тўғрисида эмас, балки қачонлардир ўзларн ва ўзгалар бошидан ўтган, бироқ йиллар қатида қолиб кетган ноҳақликлар ҳақида ҳам яширмай-нетмай, очиқ-ойдин фикр билдирмоқдалар. Ҳа, қачонлардир рўй берган адолатсизлик битмас жароҳат кабн бир нарса. Аҳён-аҳён изтироб бериб турадн у, ўзи ҳақида бот-бот эслатади.

Редакцияга келган хатлардан бирида қуйидаги сўзларни ўқиб қолдик: «Менга нисбатан бўлган қувғин хийла эскирнб, деярли унутилиб кетган бир нщдир. Воқеа ўн йил аввал юз берган эди. Лекин унга яқинда, атиги ярим йил аввал якун ясалди. ... Мабодо мен айбдор бўлсам, майли, номим бутунлай қора бўлиб қола қолсин. Лекин беайб эсам — ҳамқишлоқларим, собиқ ҳамкасбларим орасида дадил бош кўтариб юрмшнн истайман».

* * *

Бу одамнинг олий маълумотли юрист эканлиги, аммо ҳозир магазин мудири бўлиб ишлаётганини эшитган киши аввалига ижирғаниши турган гап: ахир нуфузли дипломнинг қадри қаерда қолди? Давлатимиз битта олий маълумотли мутахассис етиштириб чиқариш учун 7—8 минглаб сўм пул сарфлайди-ку! Ҳа, майли, бироқ унинг савдо-сотиққа шунчалар иштиёқи бор экан, нега энди университетнинг юрфакида бировнинг ўрнини эгаллаб ўтирмай, тўппа-тўғри савдо институтига ўқишга кира қолмабди экан?

Лекин унинг ҳаётига чуқурроқ кириб борар экансиз, аста-секин фикрингиз ўзгаради.

1978 йилнинг 14 апрелидан 15 апрелга ўтар кечаси Катта Ўзбек трактида, яъни Тошкент — Термиз бетон йўлининг 154-километрида авария юз берди. «ДЖИ-04—29» номерли «Жигули» енгил машинаси йўлда турган «52—26 СНБ» номерли МАЗ машинасига келиб урилди. Юк машинасининг тунги чироқлари ёниқ бўлиб, хавфдан огоҳлантириб турарди. Енгил машина рулида ўтирган ҳайдовчи шикастланди, унинг ёнида келишаётган уч киши—Совет Армияси капитанлари Анатолий Дубовцев, Виталий Бондаренко ва Владимир Тюнеев эса шу ернинг ўзида ҳалок бўлдилар. Машина офицерлардан бири — В. Бондаренкога қарашли, уни бошқариб бораётган киши Жиззах шаҳридан ўқитувчи Алишер Ғаниевич Даминов эди.

Кейинги воқеаларни ўша пайтда Пахтакор район (маъшум авария худди мана шу район территориясида юз берган) ички ишлар бўлимининг терговчиси бўлиб ишлаган собиқ старший лейтенант Яхшилик Тоғаев қуйидагича тушунтиради:

«Авария содир бўлганидан бир неча кун кейин ўша пайт область прокурори Раҳим Расулов мени район ички ишлар бўлимига чақириб олди. У менга Даминовнинг авариясини ёпишим лозимлигини айтди. Бу кўрсатмани у гўё ўша пайт республикада жуда катта лавозим эгаси бўлмиш кимсадан олган эмиш. Сўнг менга «Саволлар борми?» дея юзланди. Мен жиноий ишни ёполмаслигимни айтдим. «Сен мен билан ўйнашма — деди Расулов зарда ила, — айтганимни қил».

Мен Даминовни Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 208-модласи 3-қисми билан (бу модда 15 йилгача қамоқ жазосини тақозо қилади) айбладим. Шу аснода Расуловнинг тазийқи кучайгандан кучайверди. Мен ҳатто бор бор таслим бўлиб, ишни ёпишга ҳаракат қилиб кўрдим. Лекин амин эдимки, район прокурори менинг қароримни сира ҳам тасдиқламасди, ҳойнаҳой бу аварияда бир эмас, уч киши ҳалок бўлган. Ҳақиқатан ҳам прокурор О. Шодиҳўжаев уни тасдиқламади.

Бу орада Даминов Тошкентга, руҳий касалликлар шифохонасига текширишдан ўтказиш учун юборилди. У ердан олиб келган медицина хулосасида қаттиқ лат еганлиги, бироқ ақли расолиги, ўз қилмишига ўзи жавоб бера олиши аниқ кўрсатилган эди. Даминов бу қоғозга қўшимча қилиб Жиззах область психоневрология диспансерининг бош врачи А. Музаффаров имзоси билан ўзининг мазкур диспансерга ҳисобда туриши ҳақида ҳужжат ҳам тақдим этди. Иш судга оширишдан тўхтатилди. Ҳар сафар иш судга оширилиши олдидан Даминов мазкур медицина ташкилотидан худди ўша мазмундаги справкани кўтариб келар ва бу нарса ишни яна орқага сураверар эди...»

* * *

Энди гапни шу ерда тўхтатиб турайлик. Орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтгач, 1979 йилнинг сентябрь ойида, оқшом ғира-ширасида старший лейтенант Яхшилик Тоғаев Ульянов йўлидан Зомин томон ўзининг қизил «Москвич»ида бораётган эди. Рўпарасидан қандайдир юк машинаси чиқиб қолди. Машина узоқни кўрсатадиган чироғини ўчирмай келарди. Яхшиликнинг кўзи қамашди. Шу аснода ҳалиги машина ғилдирагидан отилиб чиққан тош унинг машинаси ойнасига урилиб, чилпарчин синдирди. Старший лейтенант бир амаллаб уйига келиб олди.

Икки соат ўтар-ўтмас унинг ҳовлисига милиция ходимлари кириб келдилар, машинасини текширишди. Айтишларича, ҳали замон «Сельхозтехника» идораси ёнида мактаб ўқувчилари Акбар Абдуазимов ва Рим Музаффаровларни енгил машина уриб кетибди. Болалар велосипедда эканлар. Улардан бири енгил тан жароҳати олган ҳолда касалхонада ётган эмиш. «Сизнинг машинангиз урган уни», дейишди старший лейтенантга. Воқеа содир бўлган жойга келиб, авария схемасини туздилар. «Бу ишни мен қилганим йўқ», деди Яхшилик Тоғаев ва схема остига имзо чекишдан бош тортди. Унга айб сифатида қўйилаётган далиллардан бири ўша воқеа содир бўлган жойдан топилган ойна синиқлари Яхшилик минган машина ойнаси синиқларининг бир-бирига ўхшашлиги эди.

Старший лейтенант устидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 208-модда 1-қисми билан жиноий иш қўзғадилар. Судра-судра бошланди. «Энди органда ишлашга ҳаққингиз йўқ» дейишди.

Келинг, шу ўринда Яхшилик Тоғаевнинг жиноий иши томларидаги айрим ҳужжатларга кўз югуртирамиз. «Мен, Рим Фидойилович Музаффаров, шу ҳақда тушунтириш бераманки, 1979 йил 4 сентябрь куни биз Акбар билан велосипедда кетаётган эдик. Орқамиздан бизни бир нарса келиб урди. Кўзимни очиб қарасам, кулранг, кўкимтир рангдаги (изоҳ хати русча ёзилган бўлиб унда «Сероватий «Москвич» дейилган — Қ. С.) «Москвич»-ни кўрдим».

«Биз катта йўлдан кетаётган эдик. Рўпарамиздан МАЗ машинаси чиқиб қолди. Машина ўтаётганда мен қўрқиб кетиб, рулни чапга бурдим. Бошқа ҳеч нарсани эслолмайман», — деб ёзади иккинчи жабрланувчи Акбар Абдуазимов. — Худди шу ҳужжатда врачнинг Абдуазимов енгил тан жароҳати олганлиги ҳақидаги хулосаси ҳам бор.

Кейинчалик, орадан саккиз кун ўтгандан кейин эса иккала бола ҳам «Бизни машина уриб юборган эмас, ўзимиз йиқилиб тушганмиз» дея кўргазма берадилар. Бошқа бир кўргазмаларида эса «Аввалги кўргазмаларимизда нималар деб ёзишни терговчи айтиб турган эди, биз ёзганмиз» дейилган.

Фарқига бораяпсизми, болалар машинани кулранг дейишяпти, Тоғаевнинг машинаси эса қизил рангда бўлган. Умуман собиқ старший лейтенант устидан қўзғатилган ишда ана шундай мужмал, ноаниқ, бири иккинчисини инкор этувчи, шубҳали, чалкаш ҳужжатлар талайгина. Жиноий-процессуал нормаларнинг қўпол равишда бузилиши ҳолларига дуч келасиз.

Тоғаевнинг уч томдан иборат «шиширилган» делоси сансалорликнинг қанчалар чуқур томир отиб кетишига яққол мисол бўла олади десак, хато қилмасак керак. Иш бўйича юзга яқин одам сўроқ қилинди. Зомин район прокуратураси Тоғаевга айб қўйиб, ишни судга оширди. Лекин район суди далиллар етишмаслиги туфайли ишни қайта терговга юборди. «Иш тўрт ой деганда Жиззах шаҳар судига оширилди, — деб ёзади Я. Тоғаев. — Бегманов раислигида ўтган суд мени уч йил муддатга мажбурий меҳнатга жалб қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди, яъни 208-модданинг 1-қисмида кўрсатилган энг оғир жазони берди. Лекин область суди ишни кассация тартибида кўриб чиқиб, қайта терговга юборди. Энди иш Сирдарё областига жўнатилди. Уни Ильич район суди кўрди. Мени бир йил ахлоқ тузатиш ишига жалб қилиш ва ойлик иш ҳақимдан йигирма процент ушлаб қолиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Аммо бу нарса Сирдарё область судини қаноатлантирмади. У жазони оғир деб топди ва қайта тергов юргизиш учун Жиззах область прокуратурасига юборди. Ниҳоят иш республика Олий судига оширилди. У ерда бунинг республика аҳамиятига молик эмаслиги инобатга олиниб, яна областга қайтарилди... Мен ўзимнинг бунчалар сарсон-саргардон бўлишимда кимнинг қўли борлигини сезиб юрардим. У область прокурори Раҳим Расулов эди. Мен ўша пайтларда унинг айтганини бажаришдан бош товлаганим учун шундай кунларга қолгандим. Хуллас, роса икки йилу тўққиз ой судма-суд овора бўлиб ишсиз юрдим. Шу орада ножўя хатти-ҳаракатлари учун Расулов партиявий жазо билан ишдан бўшатилди. Кейин эса менинг жиноий ишим ҳам Зомин район прокуратураси томонидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 175-модда 2-қисми билан, яъни айбланувчининг жиноят содир этилишида қатнашганлиги исботланмаганлиги, қўшимча далиллар тўплашнинг эса иложи йўқлиги туфайли ёпилди. Тирикчилик ташвишида район матлубот жамиятига ишга кирдим. Ҳозир магазин мудири бўлиб ишламоқдаман. Авваллари область ички ишлар бошқармаси томонидан кўп марта мукофотланганман. Ҳозир эса район матлубот жамияти правлениесидан берилган фахрий ёрлиқларим бор...».

* * *

Хўш, энди Алишер Даминовнинг иши нима бўлди? дея ҳақли савол беришингизни кутиб турибман. Ўша масалага қайтамиз.

Бу жиноий иш ҳуқуқ-тартибот органлари, агар хоҳласалар ҳар қандай оғир жиноятни ҳам аста-секин босдириб, юборишга қодир эканликларига яққол мисол бўлиб турибди. Тоғаев хизматдан кетгандан сўнг Даминовнинг 7022-сонли делосини Пахтакор район ички ишлар бўлимининг янги терговчиси Олим Мажидов давом эттирди. Лекин ҳар сафар Даминов область психоневрология диспансеридан шу ерда ҳисобда турганлиги ҳақида қоғоз кўтариб келар, бу эса ишнинг орқага сурилиши учун асос бўлаверарди. Бор-йўғи кичкинагина бир жилдни ташкил қилган бу иш 1980 йилдан то 1985 йилгача қаерларда, кимларнинг рўйхушлик бериши билан, нима сабабдан чанг босиб ётганлигини ҳеч ким билмайди. Бунинг учун бирон-бир конкрет шахс жавоб бермайди ҳам. Бу ҳақда кейинроқ Пахтакор районининг прокурори бўлиб ишлаган Э. Турсунқулов ҳам (ҳозир у область прокуратурасида) аниқ бир фикр айтмади. «Едимда йўқ» дея мужмал жавоб қилди у. Совет Армиясининг уч нафар офицери ҳалок бўлиб, хотинлари бева, болалари етим қолаверадилару бу нарса бирон-бир кишини жилла бўлса-да қизиқтирмайди! Даминов эса бемалол ишлаб юраверади.

Ниҳоят 1984 йилнинг охирида Пахтакор районига Баҳодир Абдусатторов янги прокурор бўлиб келгач, Даминовнинг иши яна қўзғатилди ва судга чиқарилди. Даминов энди бу сафар ўзининг иккинчи группа инвалид эканлиги ҳақида справка кўтариб келди. Суд яна қолдирилди. Охири 1987 йилнинг 15 август куни, яъни жиноят содир этилгандан кейин 9 йилу 4 ой, яна ҳам аниқроқ айтсак 3.406 кун ўтгач Пахтакор районида «суд жараёни» бўлди. Номигагина ўтган бу «жараён» бор-йўғи беш минут давом этди. Район халқ суди раиси Абдуқаҳҳор Раҳмонов шундай қарор чиқарди: «Судланувчи Даминов Алишер 2-группа инвалиди эканлиги инобатга олиниб, унга нисбатан СССР Олий Совети Президиумининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги муносабати билан 1987 йил 18 июндаги амнистия тўғрисидаги фармонининг 1-моддаси 9-бандига асосан жазодан озод қилинсин». Бу вақтда район прокурори Б. Абдусаторов узоқ муддатли командировкада эди. Унинг ўрнига қолган ўринбосари Раҳим Тошбулов бу фикрни қувватлади...

Бўлган гап мана шу. Энди бироз мушоҳада юритайлик. Яхшилик Тоғаев ўз хатида ҳақ иш деб, принципиал бўлгани, адолатни ҳимоя қилгани учун ҳукм қилингани ҳақида ёзади. Бир неча йил ишсиз, сарсон-саргардон бўлиб юрганлигига ўша пайтдаги область прокурори Раҳим Расуловни сабабчи қилиб кўрсатади.

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида мен кўп одамлар билан суҳбатлашдим. Номларини қаламга олаётган кишилар ҳақида муфассал сўраб-суриштирдим. Мана, Тоғаев ҳақида билдирилган хулосона фикрлар: «Албатта, камчиликлари ҳам йўқ эмас. ди унинг, лекин терговчи сифатида жуда пишиқ эди, тажрибали, пухта эди». Зомин район прокурори, пировардида Тоғаевнинг ишини бекор қилишга мажбур бўлган Сайфуддин Нурқосимов билан узоқ суҳбатлашдик. У ўз фикрини мендан яшириб ўтирмади: «Тоғаев машина билан болаларни уриб юборган. Бу нарсани ойна синиқларининг ўхшашлиги исботлаб турибди. Лекин жабрланувчиларнинг кўнглига йўл топа олган. Шунинг учун ҳам улар кейинчалик ўз кўргазмаларини ўзгартирганлар. Натижада биз Тоғаевга айб қўя олмай, унинг ишини ёпишга мажбур бўлдик».

Нурқосимовнинг ҳолатини ҳам тушуниш мумкин, чунки бир пайтлар прокурор ўринбосари бўлиб ишлаган даврда Тоғаев устидан ўзи тергов юргизган эди. Кейин эса ишни ўзи ёпди. Мен, рост айтсам, унинг гапидан қаноат ҳосил қилмадим. Ҳуқуқ тартибот органларида турли-туман шубҳа, тусмол ва гумонларга асосланиб эмас, балки қатъий, инкор этиб бўлмайдиган далиллар-га таянган ҳолда иш олиб борилмоғи лозим. Устига устак, тергов ва суд жараёнидаги ҳар қандай шубҳали, тасдиқланмаган ҳолатлар айбланувчи, яъни судланувчи фойдасига талқин этилади.

Қўлимизни кўксимизга қўйиб эътироф этадиган бўлсак, Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 175-модда иккинчи қисми терговчи учун уни ҳар қандай кўнгилсизликдан ва бало-қазодан асрайдиган ўзига хос қалқон, суғурта полнси ўтайди: «Айбланувчининг жиноят содир бўлишида иштирок этдим. У ҳозир Тошкент транспорт прокуратурасида ишлайди. Бундан ўн йиллар муқаддам ўша Пахтакор районининг прокурори эди. У ҳамма гапдан воқиф. Обид Йўлдошевичнинг ҳалоллигига, ростгўйлигига, принципиаллигига Жиззах аҳлининг етти яшаридан етмиш яшаригача кафилликка ўта олади. Мен ундан ўша воқеаларга холисона баҳо беришни илтимос қиламан.

— Ҳа-ҳа, эслайман, — деди у ўй сурганча. — Яхшиликнинг кўпдан-кўп сарсон бўлганини ҳам, уч капитаннинг машъум ўлимини ҳам... Яхшиликка бекор жабр бўлди ўшанда. У менинг ёнимга уч-тўрт марта келиб, «Расулов ишни ёпиб ташлашимни сўраяпти, мен нима қила оламан, ахир бир эмас, уч одам ҳалок бўлган» дея зорланганди...

Жиззахда мен Раҳим Расулов билан учрашдим. У киши ҳозир халқ депутатлари область Совети ижроия комитетида меҳнат бўлимининг мудири бўлиб ишламоқда. Суҳбатимизнинг бошидаёқ у пойтахтда, нуфузли ташкилотлардан бирида ушаси ишлаяжагини маълум қилди. Унинг сўзларини шундай тушундим: «Буёғига ҳушёр бўлиб иш юритинг...».

Ундан Яхшилик Тоғаев ҳақида суриштирдим.

— Қанақа Яхшилик? Қанақа Тоғаев? — елкасини қисди у. — Ҳеч қанақа Тоғаевни танимайман. Менинг қўлимдан қанчадан қанча терговчилар ўтган ўша дамлар! Ҳаммасини эслаб ўтирармидим?

Унинг тутган йўли ҳам ўзича тўғри. Сабаби — бирон-бир жойда ишни ёпиш тўғрисида ёзма кўрсатма бермаган... Мен уч капитан воқеасини эслатаман.

— Ҳа, шундай кўнгилсиз иш бўлган эди шекилли, — пешонасини тириштиради ҳамсуҳбатим, — лекин охири нима билан тугади экан, билолмадим. Суриштирмадим ҳам...

Қизиқ бир савол туғилади: уч совет офицерининг ўлими ўша пайт областда қонун ҳимоячиси бўлиб ишлаган одамни қизиқтирмаган экан, бошқалардан нима ҳам кутиш мумкин?


* * *

...Гоҳо-гоҳо газета ва журналларда кўзлари қора рўмолча билан боғланган, бир қўлида шамшир, иккинчи қўлида эса тарози ушлаб турган аёл суратига кўзингиз тушиб қолади. Қадимги юнонлар Фемидани, яъни ҳаққоният, адолат худосини худди мана шу тарзда тасвирлаганлар. Бир нарсага аҳамият беринг: маъбуда қўлидаги тарозининг паллалари ҳамиша бир-бирига тенг. Бу — жиноят билан жазонинг ҳаммавақт бир-бирига тенглигига ишора. Яхшилик Тоғаев ва Алишер Даминов воқеасида эса тарозининг бир палласи хийла оғиб кетганлиги яққол кўзга ташланиб турибди...

Социалистик қонунчилигимизнинг бузилмас қондаси бор. У ҳам бўлса ҳеч қандай жиноят, беистисно равишда, жазосиз қолмаслигидир. Уч совет офицерининг (тўғри, қасддан эмас) ўлимига сабабчи шахс нақотки лоақал шартли равишда жазо олишга маҳкум бўлмаса? Бу йигит судья Абдуқаҳҳор Раҳмоновнинг «саховати» туфайли ҳатто «судланмаган» ҳисобланиши эса кишини ажабланти-радигина эмас, лол қолдиради.

Ҳа, бир жиноятнинг қусуридан бошқа бировлар жафо чекмасликлари керак. Мен бу ўринда кўп сарсон-гарчиликни бошидан кечирган, олий юридик маълумоти билан магазин пештахтаси ортида савдо қилиб ўтиришга мажбур бўлган Яхшилик Тоғаевни назарда тутаяпман.

Ҳозир Жиззах область маъмурий органларида ёш, аммо ишнинг кўзини билган, тажрибали, адолатпарвар кишилар раҳбар бўлиб ишламоқдалар. Ўйлаймизки, улар бу ишда ҳаққоният ғалаба қозонишига яқиндан кўмаклашадилар.



Чимёндаги Белдорсой масканн чанғичиларнинг севимли жойн бўлиб қолди. Бу ерда халқаро мусобақалар ўтказнш анъанага айландн.

В. ПОРТНОВ фотолари.

Спорт ахбороти

ТОҒ ЧАНҒИСИ

Чимён ёнбағирларида спортнинг бу тури бўйича халқаро мусобақалар ниҳоясига етди. Улар одатдагидек қизғин курашлар остида ўтиб, мутахассислару ишқибозларда яхши таассурот қолдирди. Дастлаб ёмғир, сўнгра қор ёғиб, қийинчиликлар келтириб чиқаргани-га қарамай беллашувларни юксак даражада ўтказишга муваффақ бўлинди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги пайтгача мамлакатимизда тепаликдан чанғида тезкорлик билан тушиладиган учта жой бор. Чимёндаги Қумбел ёнбағирлари ана шулар йирик мусобақалар ўтказишга мослаштирилди. Тоғ чанғичилари тезкорлик билан тушиладиган ана шундай тўртинчи трассага эга бўлдилар. Улар программага кирган мусобақаларнинг барча турларида ғолиблик учун курашдилар.

Хотин-қизлар ўртасида гигант-слалом баҳсларида камчаткалик Варвара Зелинская билан ригалик Улла Лодзине каби ёшлар маҳорат кўрсатишди. Икки курашдан сўнг иккинчи спортчи ҳурмат шоҳсупасининг юксак поғонасини банд этди. Варвара эса иккинчи ўринни эгаллади.

ШАЙБАЛИ ХОККЕЙ

Шанба куни олис Канаданинг Калгари шаҳрида қишки олимпиада ўйинлари байроғи кўтарилди.

Ирирк халқаро мусобақаларни хоккейчилар биринчи бўлиб бошлаб беришди. Муз майдонига дастлаб Чехословакия ва ГФР терма командалари тушдилар. Олимпиада турнирининг биринчи учрашувидаёқ кутилмаган натижа қайд этилди. Унда немис хоккейчилари 2:1 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Шундан кейин СССР ва Норвегия хоккейчилари ўйнашди. Бу учрашувнинг биринчи бўлимида ҳисоб очилмаган бўлса-да, ташаббус совет спортчилари томонида бўлди. Улар кейинги икки бўлимни ҳужумкорлик билан ўтказиб, рақиблари дарвозасини беш маротаба ишғол этдилар. Шундай қилиб, хоккейчиларимиз олимпиада ўйинларини муваффақиятли бошладилар. Ўрни келганда шуни таъкидлаш керакки, улар ҳозирга қадар олти марта чемпион бўлганлар.

Қишки олимпиаданинг биринчи куни бўлиб ўтган учинчи учрашувда йирик ҳисоб қайд этилди. АҚШ ва Австрия терма командалари матчида дарвозалар ўн олти маротаба забт этилди. Пировардида америкалик хоккейчилар 10:6 ҳисобида зафар қучиб, дастлабки икки очкони қўлга киритдилар.

Шундай қилиб, қишки олимпиада ўйинлари бошланиб, унинг программасига кирган барча турларда ғолиблик учун кураш қизимоқда. Совет спортчилари икки кундан сўнг ўз жамғармаларига бир олтин, бир кумуш медаль келтирдилар.

УҚИНГ, ҚИЗИҚ!

ФОНАРДАН ЛАМПОЧКАГАЧА

Кралупи-Влтавоу (Чехословакия) шаҳарчасида истиқомат қилувчи С. Слабитудка йигирма йилдан бери электр лампочкаларн тўплайди. Ҳозиргача уларнинг қарийб 3 минг нусхасини йиғди. Унда ўтган асрда ишлатилган лампа чироқлар ҳам бор. Слабитудка коллекцияси сони жиҳатдан дунёда учинчи ўринда турадн. Экспонатлари ранг-баранглиги бўйича унга тенг келадиганн йўқ.

Редактор
А. Ғ. МУХТОРОВ.

ТЕЛЕВИЗОР ХИЗМАТДА

17 ФЕВРАЛЬ

ЧОРШАНБА

● МТ I

7.00 **«120 минут».**
9.05 «Далил». Бадиий фильм.
10.35 Янгиликлар.
10.45 «Фидойи шахслар». Загорск болалар уйининг муаммолари ҳақида. 1-кўрсатув — «Дахлдорлик».

* * *

15.15 Янгиликлар.
15.30 **«Қайта қуриш прожектори».**
15.40 **«Аслини олганда».** Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Олмаота).
16.05 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан кўрсатилади.
16.35 «Тарих саҳифалари». Тарих ва ватанпарварлик тарбияси.
17.05 «Ер юзидаги болалар нималар ҳақида куйлашади».
17.40 «Дўстлик ниҳоли». ЮСФР «Тито-партия» кўргазмаси Москвада.
18.10 «Фидойи шахслар». Загорск болалар уйининг муаммолари ҳақида. 2-кўрсатув — «Енгиш».
18.55 **«Позиция».** Грэм Грин билан учрашувлар. Кўрсатувни ёзувчи Г. Боровик олиб боради.
20.10 «Дунё воқеалари».
20.30 XV қишки олимпиада ўйинлари. Фигурали учиш. Жуфт бўлиб учиш. Эркин программа. Калгариданн кўрсатилади.
21.30 **«Время».**
22.05 «Қайта қуриш прожектори».
22.15 Г. Мурзабекова чалади (скрипка). Олмаотадан кўрсатилади.
22.50 «Дунё воқеалари».
23.00 XV қишки олимпиада ўйинлари. Чанғи спорти. 5 км. Хотин-қизлар. Калгаридан олиб кўрсатилади.

● МТ II

17.00 XV қишки олимпиада ўйинлари. Чана спорти. Хотин-қизлар; Тоғ-чанғи қўшкураш. Слалом. Эркаклар. Калгаридан кўрсатилади.
18.40 Янгиликлар.
18.45 «Штрауслар оиласи музикаси». Концерт.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
21.30 **«Время».**
22.05 «Қайта қуриш прожектори».
22.15 **Чет эл фильмлари экранн.** «Кузда ҳам кўклам бўлади». 1 ва 2-сериялар (ХХР).
00.20 Янгиликлар.

● УзТВ

7.00 **«Ассалому алайкум».** Информацион-музикали программа.

* * *

16.45 «Қишлоқ келинлари», «Малахит». Телефильмлар.
17.25 Физика. Электромагнит индукция қонуни.
17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 «Нонвой ва дангаса», «Тулкилар товуқлар билан қандай дўстлашишди». Мультфильмлар.
18.30 «Оҳангларда қалб ҳарорати». Музикашуносларнинг халқаро симпозиуми. 3-кўрсатув (такрор.).
19.30 **«Ахборот»** (рус.).
19.45 «Оҳангларда қалб ҳарорати» (давоми).
20.30 **«Ахборот».**
20.50 «Ёшлигим менинг». Музикали программа.
21.20 «Долзарб вазифа».
21.30 Москва. **«Время».**
22.05 Москва «Қайта қуриш прожектори».
22.15 «Қуёш мамлакати фарзандн». Ҳужжатли фильм («Узкинохроника»).
22.25 «Пахта ҳақида ўйлар». Республика агросаноат комплекси муаммолари ҳақида.
22.55 «Сенинг тақдиринг учун». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).
24.00 Кўрсатувлар программаси.

● ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Рассом ва китоб» (рус.).
20.05 Реклама.
20.15 «Жиноят». Бадиий фильм. 1-фильм — «Муросасизлик» («Мосфильм»).
21.30 Москва. **«Время».**
22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори».
ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 22.15 «Сергей Иванович пенсияга чиқяпти». Бадиий фильм (рус.).

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»—«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р — 13700 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. 1032. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12